

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№2/2019(143) 1995 йилдан чиқа бошлаган

## БЮЛЛЕТЕНЬ

### Верховного суда Республики Узбекистан

#### **БОШ МУХАРРИР:**

Шодиқул ҲАМРОЕВ

#### **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Козимджан КАМИЛОВ

Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Холмўмин ёДГОРОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Замира ЭСОНОВА

Олим ҲАЙИТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил  
19 апрелда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигига  
0249-рақам билан  
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий  
аттестация комиссияси  
Raёсатининг 2004 йил 17  
декабрдаги 110/4-сонли  
қарорига асосан ҳуқуқий,  
иљмий-амалий журнал  
ваколати берилган.

Босишга 26.04.2019 йилда  
топширилди. Бичими: А4.

«Muhabbir nashriyot» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри,  
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.  
Адади: 6180 нусха.  
Буюртма № 135.

#### **МУНДАРИЖА**

##### **2. И. НАСРИЕВ**

*Хукуқий тараққиёт сари яна бир муҳим қадам*

##### **6. В. САТТОРОВА, Ш. ГАЙБЕРДИЕВ**

*Солиқ низоларини судгача кўриб чиқиши*

##### **9. Суд амалиёти**

##### **25. М. МАМАСИДДИҚОВ**

*Судда фуқаролик ишларини қўзгатиши: янгиликлар,  
муаммолар ва тақомиллаштириши масалалари*

##### **28. Б. ҲАМИДОВ**

*Болалар тарбияси билан боғлиқ низолар*

##### **34. И. САЛИМОВА**

*Ундирувни солиқ тўйловчининг мол-мулкига қаратиши  
тўғрисидаги ишларга таалукли масалалар*

##### **39. Ж. ИБРОҲИМОВ**

*«Терроризмга оид жиноятлар» тушунчаси ва уларнинг  
жиноят-ҳуқуқий тавсифи*

#### **СОДЕРЖАНИЕ**

##### **42. С. СЕЛИМАНОВА, Ш. ТАДЖИМЕТОВ**

*Особенности повышения квалификации сотрудников  
осуществляющих деятельность в судах и других  
правоохранительных органах*

##### **47. Ш. ИСМОИЛОВ**

*Влияниемовой редакции трудового кодекса  
Республики Узбекистан на развитие предпринимательства и  
инвестиционной деятельности*

##### **53. А. ДАВРОНОВ**

*О современном состоянии и перспективах развития судебно-  
компьютерно-технической экспертизы*

# Хуқуқий тараққиёт сари яна бир муҳим қадам

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 5 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига муҳим воқеа бўлди.

Фармойишда таъкидланганидек, 1995-1996 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси "ўтиш даври"нинг кенг кўламли ўзгаришларини фуқаролик-хуқуқий тартибга солишига муҳим роль ўйнади.



## Илҳом НАСРИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаси ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг кафедра мудири, юридик фанлар доктори, профессор

Шунингдек, ушбу ҳужжат юртимиз ривожланишининг янги босқичида иқтисодиётни янада либераллаштириш, иқтисодий муносабатларни тартибга солишида давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк кафолатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, тадбиркорликни рағбатлантириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича устувор вазифаларни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этди.

Шу билан бирга, бугунги кунда Фуқаролик кодексида бозор иқтисодиётини янада чуқурлаштириш, қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, халқаро рейтингда мамлакат ўрнини яхшилашга салбий таъсир кўрсатувчи жиддий камчилик ва бўшлиқлар мавжудлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Президентимиз Фармойиши фуқаролик қонунчилигидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга халақит берётган камчилик ва бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган.

Фармойиш Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг асосий устувор йўналишларини ўзида акс эттирганлиги билан аҳамиятлидир. Унда устувор йўналишлар сифатида қуйидагилар назарда тутилмоқда:

- фуқаролик қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш ва унификация қилиш, уларнинг энг намунали хорижий амалиётлар билан уйғунлигини таъминлаш, шунингдек, ушбу соҳага доир илгор халқаро стандартларни имплементация қилиш;

- хусусий мулк даҳлсизлиги кафолатларини таъминлайдиган, жисмоний ва юридик шахслар, айниқса, тадбиркорларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиласидаган самараали фуқаролик-хуқуқий механизmlарни белгилаш;

- оммавий ва фуқаролик хуқуқ нормаларини аниқ чегаралаш, иқтисодиётни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик таъмилларига асосланган, ўз аҳамиятини йўқотган ва эскириб қолган қоидаларни чиқариб ташлаш;

- давлат-хусусий шериклиги, кластерлик ишлаб чиқариши, электрон тижорат, криpto-валюта айланмаси, ер участкаларини хусусийлаштириш, улушли қурилиш ва бошқа замонавий фуқаролик-хуқуқий институтлар ва иқтисодий муносабатлар шаклларини хуқуқий тартибга солишини таъминлаш.

Фармойиша белгиланган ҳар бир устувор йўналиш ўз навбатида, бир қатор субинститутларни ўз ичига қамраб олади. Фикримизча, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ мазкур субинститутларнинг комплекс такомиллаштирилиши натижасида мамлакатимизда амалга оширилётган ислоҳотлар ўзининг янги поғонасига кўтарилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳат шундаки,

Фармойиш билан "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини та-комиллаштириш концепцияси" тасдиқланди. Концепциянинг кириш қисмida фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишининг энг муҳим қоидаларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси тез ривожланаётган иқтисодий муносабатлар талабларига ва халқаро стандартларга етарли даражада жавоб бермаётганлиги сабаблари санаб ўтилган. Яъни:

**биринчидан**, эскирган ҳуқуқий институтлар, шунингдек, бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган давлатлар ҳуқуқий тизимида мавжуд бўлмаган юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари сақланиб қолинаётганлиги;

**иккинчидан**, "тижорат таваккалчилиги", "хўжалик юритувчи субъектлар tengлиги", "адолатли компенсация", "шартномавий мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш" каби анъанавий фуқаролик-ҳуқуқий институтларнинг мавжуд эмаслиги;

**учинчидан**, замонавий бозор шароитларида талаб этиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар ва муносабатларнинг алоҳида шакллари, шу жумладан, давлат-хусусий шериклиги, дилерлик шартномаси, улушли қурувчилик, кластер ишлаб чиқариш, электрон тижорат, крипто-валюта айланмаси, ер участкасини хусусийлаштириш ва бошқаларни тартибга солишининг назарда тутилмаганлиги;

**тўртинчидан**, кўп микдордаги ҳаволаки нормаларнинг мавжудлиги кодекснинг тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжатга айланишига тўсқинлик қилаётганлиги ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш борасидаги мақомини пасайтираётганлиги;

**бешинчидан**, бир-бирига ўхшаш ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги қоидалар аралашмасидан ташкил топган юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг кўплиги;

**олтинчидан**, Фуқаролик кодексида фуқаролик ҳуқуқи институтларига тааллуқли бўлмаган оммавий ҳуқуқ нормалари, хусусий мулк ва шартномавий муносабатларига оид асосланмаган микдорда чекловлар мавжудлиги;

**еттинчидан**, фуқаролик-ҳуқуқий муно-

сабатларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш масалаларини тартибга солувчи қоидалар деярли мавжуд эмаслиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Энг асосийси, ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўллари кўрсатиб берилган. Фармойишга биноан 2020 йил 1 апрелга қадар янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойихаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда ваколатли органлар кўриб чиқишига киритиш вазифаси юклатилди.

Янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексида унинг айрим институтлари ва нормалари тубдан янгиланиши кутилмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитларига мос келмайдиган ёки юридик техника қоидаларини бузадиган мавжуд қоидалар чиқариб ташланади. Бунда асосий вазифа товарлар, ишлар, хизматлар бозори қоидаларини халқаро стандартларга биноан белгилашга қаратилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясининг биринчи қисми фуқаролик қонунчилиги нормаларини унификация қилиш ва тизимлаштириш мақсадини кўзда тулади.

Бунда аввало, фуқаролик қонунчилиги инвентаризациядан ўтказилади, атама ва тушунчаларга таъриф берилади. Шунингдек, турлича шарҳлашга имкон берадиган нормалар чиқариб ташланади, ҳаволаки нормалар қисқартирилади, ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизиялар бартараф килинади.

Концепциянинг иккинчи қисми асосан фуқаролик-ҳуқуқий институтларни такомиллаштишга қаратилган. Бунда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг амалдаги принциплари такомиллаштирилади ва янгилари жорий этилади.

Шу жумладан, тушунча ва атамалар қайта кўриб чиқилади, янги тушунчалар киритилади, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини виҷданан ва муносабиб амалга оширишни таъминлашга қаратилган чора ва воситалар такомиллаштирилади, зарарни ҳисоблаш тартиби ишлаб чиқилади, вакиллик институти такомиллаштирилади. Эр хотиннинг

биргаликдаги васиятномаси ва мерос шартномасига оид қоидалар киритилади, меросни қабул қилиб олиш муддатлари белгиланади, халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари қайтадан кўриб чиқилади.

Учинчи қисмда эса, бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини шакллантиришига қаратилган қатор янгиликлар амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Хусусан, мулк шаклларини белгилаш тартиби қайта кўриб чиқилади, ерга бўлган хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизмлари жорий этилади. Битимлар институти, инсофли эгалловчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартиби такомиллаштирилади.

Бундан ташқари шартнома тузиш эркинligини кучайтириш, шартнома барқарорлигини таъминлаш, корпоратив муносабатларини Фуқаролик кодексининг тартибга солиш предметига киритиш кўзда тутилган. Қолаверса, хорижий тижорат ташкилотлари филиалларининг ҳуқуқий мақомини кенгайтириш каби вазифалар ҳам шулар жумласига киради.

Концепциянинг тўртинчи қисмида замонавий шароитларда талаб юқори бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг инновацион шакл ва таомилларини жорий қилиш назарда тутилган. Чунончи, фуқаролик муносабатларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, электрон тижоратдан кенг фойдаланиш, электрон майдончалар орқали харидларни амалга ошириш бўйича имкониятлар кенгайтирилади. Гаровни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилиб, шахсий номулкий ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш таъминланади.

Концепциянинг бешинчи қисми бевосита ушбу ҳужжат амалга оширилишидан кутилаётган натижаларга бағишинланган. Бунда айнан бу борадаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши нималарга имкон бершига эътибор қаратилади.

Бу ҳақда сўз боргандা, аввало, иқтисодиётни янада либераллаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилишини қайд этиш лозим. Иқтисодиётда давлатнинг иштиро-

ки қисқаради, мулкдорлар ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилади, хусусий мулкнинг устувор роли таъминланади, ишбилармонлик мухити ва инвестиция иқлими яхшиланади, мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги ўрни кескин ошади.

Фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг энг муҳим қоидаларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси фуқаролик қонун ҳужжатлари тизимида асосий ўринни эгаллайди.

Кодекснинг бозор мураватларини қанчалик ҳаракатга келтира олиш қобилиятига қараб ё иқтисодиётда товарлар, хизматлар, ишлар фуқаролик муомаласида эркин ҳаракатланади ёки давлатнинг аралашуви, маъмурӣ тўсиқлар, шунингдек, ҳуқуқий бўшлиқлар сабаб бу муносабатларнинг ривожланиши секин кечади. Бинобарин, ушбу кодексни иқтисодчи, ҳуқуқшунос олимлар "Бозор Конституяси" деб аташи бежиз эмас.

Бозор иқтисодиёти мулкий, мулк билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатларнинг мутассил ривожланишини тақозо қиласди, янги-янги хизмат турлари, турфа иш бажаришлар, товарларнинг турли хиллари вужудга келаверади. Ўз навбатида, бундай хизматлар, ишлар, товарлар ва фуқаролик муомаласи ўртасидаги муносабатлар айнан фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Бу жараёнда муносабатга киришувчилар бир-бирига бўйсунмайдилар. Чунки сотувчи, олувчи, хизмат кўрсатувчи, иш бажарувчи, хизматдан, ишдан фойдаланувчи — буларнинг бари айнан шундай муносабатларда тенг ҳисобланади.

Шунингдек, бундай тоифадаги хусусий ишлар аралашувни "ёқтирмайди". Аммо Фармойишида қайд этиб ўтилган камчилик ва қонучилиқдаги бўшлиқлар хусусий ишлар тараққий этишига тўсиқ бўлмоқда. Қонун нафақат мавжуд муносабатларни, балки келгусида вужудга келиши мумкин бўлган муносабатларни ҳам тартибга солишга қодир ва тайёр туриши лозим.

Биз бугун фуқаролик қонун ҳужжатлари борасида бундай дея олмаймиз.

Айниқса, амалдаги Фуқаролик кодексининг хусусий мулк, оммавий мулк мақомига оид моддалари анчайин мавҳум характерга эга. Масалан, оммавий мулк ҳу-



қуқи субъектлари томонидан мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф қилишнинг тартиби, мол-мулкнинг бир субъектдан иккинчисига ўтказиш шартлари аниqlаштирилмаган.

Бу ўз навбатида, оммавий мулк ҳуқуқи субъектларининг ўз мулкий ҳуқуқларини амалга оширишга нисбатан баъзан бефарқ муносабатда бўлишига олиб келмоқда. Назаримизда, эндиликда оммавий мулк тушунчаси, унинг ҳуқуқий режими, объектлари ёки субъектларининг ваколатлари аниқ белгиланади.

Муниципал мулк мақомини ҳам аниqlаштириш тақозо этилади. Шунингдек, давлат мулкини маъмурий-худудий тузилмаларга бериш ёки ўтказиш жараёни мукаммал тартибга солинмаган. Шу сабабли махаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз балансларидағи мол-мулкларига нисбатан муносабатида мулкдорлик ҳисси сезилмайди.

Бундан ташқари Фуқаролик кодексида белгилаб қўйилган, бошқа давлатларнинг ҳуқуқ тизимлари учун номаълум бўлган ҳамда ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг ривожланишига маълум маънода ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши эҳтимол тутилаётган ҳўжалик юритиш ва оператив бошқарув институтларини ҳам такомил-

лаштириш вақти келди.

Бундан ташқари амалдаги Фуқаролик кодексининг юридик шахслар тўғрисидағи бобини кескин қисқартириш лозим бўлади. Негаки, Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида, шунингдек, юридик шахсларнинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллари хусусиятларини ўзида акс эттирган алоҳида-алоҳида қонунлар қабул қилинган.

Фуқаролик кодекси ва алоҳида қонунларда айнан бир хил қоидалар мустаҳкамлаб қўйилишидан, бу борадаги такрорлардан халос бўлиш зарур. Эътибор беринг: Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулкка оид бўлимни моддалари мисолида "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида" ги қонун нормаларининг қарийб 80 фоизи такрорланганини кўриш мумкин.

Фуқаролик кодексининг давлат контракти бўйича товарлар етказиб бериш ва контрактация шартномаларига оид қоидаларини муфассал тарзда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етказиб берувчилар ва бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини янада кенгроқ ва ишончли ҳимоя қилиш мақсадини кўзлаган ҳолда такомиллаштириш ва ривожлантириш зарур.

Концепцияда қайд этилганидек, кодекснинг "Ворислик ҳуқуқи", "Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш"га оид бўлимлари моддаларини такомиллаштириш баробарида, уларни мақсадга мувофиқ тарзда тўлдириш зарурати, ҳақиқатан ҳам, бугунга кунда ниҳоятда сезилмоқда.

Кодексдан бозор муносабатларини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор янги институтлар, жумладан, узуфрукт (фойдаланиш ҳуқуқи), иморат қуриш ҳуқуқи каби муҳим институтлар ўрин олиши даркор. Кодексга маклерлик ва факторингга оид шартнома қоидаларини, шунингдек, чеклар ва векселларга оид халқаро конвенцияларнинг муҳим қоидаларини ҳам имплементация қилиш шарт.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган Фуқаролик кодексини Президентимиз Фармойишида назарда тутилган тарзда ва мазмунда том маънода янгилаш талаб этилади. Бу шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштиришга, унинг юксалишига замин яратади.

Натижада юртдошларимизда мулқдорлик хисси янада ортади, манфаатдорлик таъминланади. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кескин қисқаради. Пировардида юртимизда мавжуд моддий неъматлардан оқилона, самарали, мақсадга мувофиқ фойдаланиш имкониятлари тубдан кенгаяди.

# Солик низоларини судгача кўриб чиқиш

*тартибининг ҳуқуқий асослари яратилди*

*Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солик юкини изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитлар яратишни таъминлайдиган солик тизими шакллантирилган. Президентимизнинг 2017 йил 18 июнда қабул қилинган "Солик маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада янги босқични бошлаб берди.*

**Волида САТТОРОВА,**

*Олий суд судьяси*

**Шавкат ГАЙБЕРДИЕВ,**

*Олий суд катта консультантни*

Мазкур Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси тузилмасидаги Ахборот-таҳлил бош бошқармаси — Таҳлил ва прогнозлаштириш бош бошқармасига, Солик солиш методологияси бошқармаси — Методология ва солик органларини модернизация қилиш бошқармасига, Ахборот хизмати — Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлимига, Юридик бўлим — Юридик бошқармага айлантирилди.

Ушбу бошқарма таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармаларида тегишли бўлинмалари бўлган Солик низоларини судгача ҳал этиш бўлими ташкил этилди.

Бу йўналишдаги ислоҳотлар кейинги босқичда янада изчил тус олди. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 26 июнда **"Давлат солик хизмати орғанлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди.

Ўтган йил 9 октябрда эса, Вазирлар Мажкамасининг **"Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Солик тўловчилар ва давлат солик хизмати орғанлари ўртасидаги солик низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида"**ги қарори қабул

**Солик низоси — солик тўловчилар ва давлат солик хизмати органлари ўртасида юзага келадиган солик солиси объектларини аниқлаш, солик солинадиган базани ҳисоблаш, солик ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини ҳамда солик имтиёзларини қўллаш билан боғлиқ келишмовчиликлар.**

қилинди. Буларнинг барчаси солик маъмуриятчилиги соҳасида амалга оширилаётган исоҳотларнинг давомийлигини кўрсатиб турибди.

Хусусан, Молия вазирлиги ҳузурида Солик тўловчилар ва давлат солик хизмати органлари ўртасидаги солик низоларини судгача ҳалқилиш кенгаши ташкил қилинди. Кенгашнинг

асосий вазифалари сифатида қўйидагилар белгиланган:

— солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашда низоли маса-

#### Кенгаш таркибиға

— Молия вазирининг ўринbosари раислигига,

— Савдо-саноат палатаси раисининг ўринbosари,

— Давлат солик қўмитаси раисининг биринчи ўринbosари,

— Адлия вазирининг биринчи ўринbosари,

— Солик маслаҳатчилари палатаси бошқарув рациси,

— Аудиторлар палатаси ҳамда Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси кенгашлари раислари,

— Бухгалтерлар федерацияси бошқаруви рациси,

— Адвокатлар палатаси рациси вазифасини бажарувчи киритилди.

лалар юзасидан холосалар чиқариш;

— солик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлашда солик тўловчилар ва давлат солик хизмати органлари ўртасида юзага келадиган низоларни кўриб чиқиш;

— солик низоларини кўриб чиқиш жараёнда аниқланган солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш.

Кенгаш ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ бир қатор функцияларни бажаради. Хусусан:

— ариза берувчиларнинг давлат солик хизмати органлари билан солик низоларини судгача ҳал қилиш тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқади;

— материалларни, шужумладан, солик текширишларига оид матери-



алларни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисобланганлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқади ва ўрганади;

— солиқ ҳақидаги қонунларни қўллашнинг низоли масалалари бўйича хulosалар чиқаради;

— солиқ низоларини кўриб чиқиш давомида аниқланган солиқ ҳақидаги қонунлардаги қарама-қаршиликлар ва ноаниқликларни бартараф этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таълифлар киритади.

Солиқ низолари, солиқ солиш обьектларини аниқлаш, солиқ солина-диган базани ҳисоблаш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини қўллаш, солиқ имтиёзларини қўллаш билан боғлиқ келишмовчиликлар кўриб чиқиш учун Кенгашга юборилади.

Кенгаш:

— қўзғатилган жиноят ишлари доирасида ўтказилаётган солиқ текширувлари бўйича;

— солиқ тўловчи солиқ низолари бўйича давлат солиқ хизмати органлари қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилган ҳолларда низоларни кўриб чиқмайди.

Кенгаш Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бошқармаси томонидан аввал кўриб чиқилган, кўриб чиқиш натижа-

лари солиқ низосини ҳал қилиш учун Кенгашга му- рожаат қилган солиқ тўловчи, солиқ агенти ёки солиқ тўловчининг вакилини қониқтиrmаган ёки қисман қониқтиrmаган солиқ низоларини кўриб чиқиш учун қабул қиласди. Кенгашнинг келишмовчилкларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хulosалари тавсиявий тусга эга.

Солиқ низоси Кенгаш томонидан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Шуни инобатга олиш жоизки, айрим ҳолатларда солиқ низосининг муркаблигига қараб, солиқ низоси билан боғлиқ ҳужжатларни Кенгаш томонидан ташкил этиладиган ишчи ёки эксперт гурухлари томонидан қўшимча ўрганиш, ваколатли органлардан хulosалар олиш талаб этилганда, солиқ низосини кўриб чиқиш муддати истисно тариқасида Кенгаш раиси томонидан узоги билан бир ойга узайтирилиши

**Кенгаш мажлислини** раис олиб боради, раис қатнашолмаган ҳолларда эса — раис ўринbosари олиб боради. Кенгаш мажлиси Кенгаш аъзоларидан **қамида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатлидир.**

мумкин. Бу ҳақида кенгаш котибияти томонидан аризачига ёзма шаклда хабар қилинади.

Кенгаш мажлислини қоида тариқасида **бир ойда қамида икки матораба** ўтказилади. Кенгаш мажлиси сиртдан ўтказилишига йўл қўйилмайди. Кенгаш фаолияти қарорлар қабул қилишда тенг ҳуқуқлилик ва коллегиаллик тамойилларига асосланади.

Ҳар бир солиқ низоси Кенгаш томонидан мажлис залига тарафлар таълиф этилган ҳолда алоҳида кўриб чиқилади. Кенгаш аъзолари тарафларнинг важ ва сабабларини эшитади, тақдим этилган ҳужжатларни, ваколатли органлар, мутахассис ва экспертларнинг хulosаларини ўрганади.

Кўрилаётган солиқ низолари бўйича Кенгаш қарорлари оддий кўпчиллик овоз билан қабул қилинади ва Кенгашнинг хulosаси тарзида расмийлаштирилади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда Кенгаш раисининг ёки Кенгаш мажлисига раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади. Кенгашнинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда билдиришга ҳақли.

Кўриб чиқилган солиқ низолари бўйича Кенгашнинг хulosаси, у тасдиқланган пайтдан бошлаб **бир иш куни мобайнида** солиқ низоси тарафларига юборилади.

# ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БҮЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

## **1. Судланувчининг қасддан одам ўлдиришда ифодаланган жиноий ҳаракати айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни ўлдириш сифатида нотўғри квалификация қилинганилиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 2015 йил 11 августдаги ҳукмига кўра, М.Т. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "в" банди, 248-моддаси 1-қисми, 276-моддаси 1-қисми билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 19 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти суди апелляция инстанциясининг 2015 йил 8 сентябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.Т. таниши Б.З. билан жанжаллашиб, Б.З. ўзини уятли сўзлар билан ҳақоратлаганлигидан жаҳли чиқиб, уни қасдан ўлдириш мақсадида "ТОЗ-8м" русумли қирқма милтигини олиб чиқиб, кекса ёшли ожиз аҳволдаги Б.З.нинг чап кўкрак қисмига милтиқ билан бир марта отиб, қасдан ўлдирган ва Б.З.нинг мурдасини Сирдарё дарёсига ташлаб юборган.

Суд М.Т. томонидан содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, унинг айби ис-

ботланганлиги ҳақида асосли хulosага келган бўлса-да, унинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "в" банди билан малакалаб, хатога йўл қўйган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 8-бандида айбдорнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми "в" банди билан квалификация қилишда, ожиз аҳвол деб жабрланивчининг физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан ўзини ҳимоя қилишга, судланувчи М.Т.га фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслик ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатлари аниқланмаган.

Харакатларини бошқара олмаслик ҳолати тушунилиши кераклиги, бунда айбдор жабрланивчи ожиз аҳволда эканлигини англаган бўлиши шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳолатига кўра, жабрланивчи марҳум Б.З. 64 ёшда бўлиб, унинг жисмоний ёки бошқа нуқсонлари бўлмаган, жамиятда фуқаролар билан фаол муносабатларга киришиб келган, физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан ўзини ҳимоя қилишга, судланувчи М.Т.га фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслик ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатлари аниқланмаган.

Бундан ташқари судланувчи М.Т. жабрланувчи Б.З.ни "ТОЗ-8м" русумли қирқма милтиғи билан бир маротаба отиб, уни қасдан ўлдирган бўлиб, бундай ҳолатда Б.З.нинг ожиз аҳволда бўлганлиги аҳамиятга эга эмас.

Бундай ҳолатда суд жабрланивчи Б.З.нинг

фақатгина 64 ёшга тўлганини жуда кекса ёшда, яъни судланувчи М.Т.га нисбатан ожиз аҳволда бўлган, деб то-пиб, барвақт хуносага келган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 4 сентябрда-ги ажрими билан М.Т.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартири-

либ, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "в" бандидан шу кодекс 97-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинди.

## **2. Судланувчининг қасдан одам ўлдиришга сунқасд қилишдан иборат жиноят ҳаракатлари ўта шафқатсизлик белгиси билан хотўғри квалификация қилингани сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.**

Жиноят ишлари бўйи-ча Бухоро вилояти су-дининг 2011 йил 12 майдаги ҳукмига кўра, Р.З. Жиноят кодекси-нинг 25 ва 97-моддаси 2-қисми "а, г, ж, л" бандлари, 219-моддаси 2-қисми билан Жиноят кодексининг 59-модда-си тартибида 15 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйи-ча Бухоро вилоят суди апелляция инстанция-сининг 2011 йил 16 июндаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолди-рилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Р.З. спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда, жамоат жойи ҳисобланган "Моҳито-бон" ресторани олдида-ги автомашиналар тўхташ жойида ака-ука З. ва Ш.лар билан бир груп бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидала-рини қасдан менси-масдан, ўзи ва қарин-дошлари йўловчи си-фатида ўтирган "ВАЗ-21011" русумли автома-шина йўлинни тўсганли-

гини баҳона қилиб, ушбу автомашинада бўлган О.Р.ни ножӯя сўзлар билан ҳақорат қилиб, автомашина ичи-дан тортиб тушириб, ака-укалар билан бирга уриб, унга енгил шикаст етказишган. Сўнг улар-нинг ушбу безорилик ҳаракатларининг олди-ни олиш чорасини кўр-моқчи бўлиб воқеа жойига келган Б.Р.га фаол қаршилик кўрса-тиб, уни ҳақоратлаб, унинг кўз қисмига қасдан мушти билан бир марта уриб, енгил ши-каст етказиб, шахснинг соғлиғига амалда ши-каст етказиши мумкин бўлган ўткир тифли, санчиб кесувчи жисм билан уч марта қасдан уриб, унга "оғир ши-каст" етказиб, воқеа жойига етиб келган Б.Р. ва бошқаларнинг фаол қаршилиги натижасида, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, жино-ий мақсадини охирига етказа олмай, бошка иштирокчиларнинг мақ-сади билан қамраб олинмаган жавобгар-ликни оғирлаштирувчи ҳолатда қасдан одам ўлдиришга сунқасд қилиш ва фуқаровий бурчини бажараётган шахсни фуқаровий бур-чини бажаришдан воз кечишга мажбур қилиш жиноятларини содир эт-ганликда айбдор деб топилган.

Олий суд Пленуми-нинг 2004 йил 24 сен-тябрдаги "Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиё-ти тўғрисида"ги қаро-ри 12-бандида, қасдан одам ўлдириш жиноятини Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми

"ж" банди билан квалификация қилишда айбдорнинг қасди ўта шафқатсизлик билан одам ўлдиришга қаратилган бўлғанлиги аниқланиши шартлиги, ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш усулларига, жумладан, ҳаётдан маҳрум этишдан олдин ёки қотиллик содир этиш жараёнида жабрланувчини қийноққа солиш ёки унга қаттиқ азоб етказиш билан боғлиқ (кучли оғриқ берувчи заҳардан фойдаланиш, тириклайн ёқиб юбориш, узоқ муддат овқат, сув бермаслик) ҳолларни ҳам киритиш мумкинлиги, баданга кўплаб шикаст етказиш орқали одам ўлдириш, фақат айбдор буни жабрланувчига қаттиқ азоб-уқубат етказишга қаратилган тўғри қасд билан содир этган бўлса, ўта шафқатсизлик кўриниши деб баҳола-

ниши мумкинлиги, жабрланувчининг яқин кишилари кўз ўнгидаги одам ўлдириш, агар айбдор ўз ҳаракатлари билан уларга кучли изтироб берадиганлигини англаган бўлса, айбдор томонидан ўта шафқатсизлик намоён этилганлигидан далолат берувчи ҳолат сифатида баҳоланиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд Р.З.нинг Ортидан қувиб, унга ета олмагандан сўнг ҳодиса жойига қайтиб келиб, О.Р.нинг ўнг кўкрак қафасига ўткир тифли жисм билан уч марта уриб, унга тан жароҳати етказганликда ифодалangan ҳаракатларида уларни қасдан ўлдириш нияти мавжудлиги ҳақида тўғри холосага келган бўлса-да, бироқ Р.З.нинг ака-укаларни олдиндан танимагани ва шу боисдан уларнинг ака-ука эканлигини бил-

маганини инобатга олмаган, шунингдек, унинг О.Р.га ўткир тифли жисм билан тан жароҳати етказаётган вақтида бу ҳаракатларини Б.Р.нинг кўриб тургани ва бу билан унга кучли изтироб берадиганлигидан ҳаракат қилганини тасдиқловчи далиллар жиноят ишида мавжуд эмас.

Апелляция инстанцияси суди эса, иш материалларини етарли дарражада текширмасдан, биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатони бартараф этиш чорасини кўрмаган.

Шу боисдан Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 4 сентябрдағи ажрими билан Р.З.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, унинг айбидан Жиноят кодексининг 25 ва 97-моддаси 2-қисми "ж" банди чиқарилди.

**3. Айбдорнинг ҳаракатларини безорилик, яъни жамиятга ва умумъетироф этилган ахлоқ қоидаларига рўй-рост хурматсизлик замонида содир этилган (масалан, ҳеч бир сабабсиз ёки арзимаган сабаб туфайли) қасдан одам ўлдириш сифатида квалификация қилиш учун айбдорнинг феъл-атворида жамоат тартибиға ошкора бўйсунмаслик, атрофдагиларга нисбатан ўзини қарши қўйиш, беписандлик намойиш этиш истаги мавжуд бўлиши зарур.**

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2008 йил 5 мартағи ҳукмига кўра, И.Я. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "л" банди билан 18 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясининг 2012 йил 15 мартағи ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, И.Я. опаси Р.Я.нинг уйида бўлганида кўча-

дан калтакланган ҳолда келган жияни Ф.Х. яна қайтиб чиқиб кетгач, опасининг уйидан ошхона пичоғини олиб костюмининг чўнтағига яшириб чиқиб, жамиядада юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, жамоат тарти-

бини қўпол равишда бузиб, жияни Ф.Х. ва Ш.Х.нинг ўртасидаги жанжалга аралашиб, қўлидаги ошхона пичоғини намойишкорона қўллаб, жамоат жойида бўлган К.О.ни ҳақорат қилиб, судраб, жанжалга алоқаси бўлмаган Ж.Ш.ни ҳам ҳеч бир сабабсиз уриб, унинг чап буйрак соҳасига пичоқ билан бир марта уриб, безорилик оқибатида уни қасдан ўлдирганликда айбдор деб топилган.

Суд томонидан иш ҳолатлари тўғри аниқланган бўлса-да, бироқ И.Я.нинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатоликка йўл қўйилган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 5-бандида, агар қилмишда Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисмida кўрсатиб ўтилган квалификация белгилари, шунингдек, ушбу кодексининг 98-101-моддаларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, масалан, қотиллик безорилик туйғулари билан эмас, балки ўзаро жанжал ёки уришиш натижасида, рашк туфайли, ўч олиш, ҳasad, адоват, нафрат оқибатида содир этилган бўлса,

қасдан одам ўлдириш жинояти Жиноят кодексининг 97-моддаси биринчи қисми бўйича квалификация қилиниши;

16-бандида: безорилик оқибатида қасдан одам ўлдириш жиноятини ўзаро жанжал ёки уришиш оқибатида содир этилган қотилликдан (Жиноят кодексининг 97-моддаси биринчи қисми) фарқлаш учун уруш-жанжал ташаббускори ким эканлигини, низо одам ўлдиришда баҳона сифатида фойдаланиш мақсадида айбдор томонидан атайлаб уюштирилган-уюштирилмаганини аниқлаш лозимлиги, агар уриш-жанжал жабрланувчи томонидан бошланган бўлса ёки низога унинг ғайрихуқуқий хулқ-атвори сабаб бўлган бўлса, айбдор безорилик оқибатида одам ўлдириш жинояти учун жавобгар бўлмаслиги;

безорилик оқибатида, яъни жамиятга ва умумэътироф этилган одоб-ахлоқ қоидаларига рўй-рост ҳурматсизлик замирида содир этилган (масалан, ҳеч бир сабабсиз ёки арзимаган сабаб туфайли) қасдан одам ўлдириш Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми "л" банди билан квалификация қилиниши лозимлиги, бунда айбдорнинг феъл-атворида жамоат

тартибида ошкора бўйсунмаслик, атрофдагиларга нисбатан ўзини қарши қўйиш, беписандлик намойиш этиш истаги мавжуд бўлиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатларида аниқланишича, И.Я. томонидан содир этилган жиноятнинг келиб чиқшига Ш.Х., Ж.Ш. ва бошқаларнинг ўзлари сабабчи бўлишган, яъни Ж.Ш. жамоат жойи ҳисобланган кўчада И.Я.ни қўллари билан юз соҳасига уриб, унга енгил тан жароҳати етказган.

Бироқ суд қайд этилган кўрсатмаларга ҳамда Ж.Ш.нинг ғайрихуқуқий ҳаракатлари натижасида И.Я. унга пичоқ урганлиги ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Суд И.Я. ҳеч бир сабабсиз жанжалга алоқаси бўлмаган Ж.Ш.ни ўлдирганлигини асос қилиб, унинг ҳаракатларини безорилик белгиси билан квалификация қилиб хатоликка йўл қўйган.

Бинобарин, жиноят ишида И.Я. Ж.Ш.ни безорилик оқибатида қасдан ўлдирганини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас, аксинча, безорилик ҳаракатлари Ж.Ш., К.О., Ш.Х. ва Ф.Х. томонидан содир этилганлиги аниқланган.

Шу сабабга кўра, Олий суд жиноят ишла-

ри бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 4 сентябрдаги ажрими билан И.Я.га нисбатан чи-

қарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, унинг харакатлари Жиноят кодексининг 97-моддаси

2-қисми "л" бандидан шу кодекснинг 97-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинди.

**4. Қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятидан фарқлаш учун айборнинг қасди нимага қаратилгани, унинг ўз ҳаркатлари оқибати, яъни жабрланувчининг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инобатга олиш даркор.**

Жиноят ишлари бўйича Риштон туман судининг 2017 йил 9 июндаги ҳукмига кўра, Ф.М. Жиноят кодексининг 25 ва 97-моддаси 1-қисми билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 18 июлдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ф.М. қариндоши Э.Қ. билан бирга истироҳат боғида айланиб юрган икки нафар хотаниш қизларнинг йўлини тўсиб, уларга гап отиб турган вақтида, боғда юрган Риштон шаҳрида яшовчи Э.Б. шериги Н.А. билан ушбу ҳолатга аралашиб, Ф.М. ва Э.Қ.лар билан жанжаллашган. Ф.М. билан Э.Қ.лар Э.Б. ва Н.А.ларнинг тарафдорлари кўпайиб кетаётганини кўриб, жанжалдан қутулиш мақсадида уларни

ҳақорат қилиб қочиб, Риштон шаҳар, Риштон кўчасида жойлашган "Риштон ҳақиқати" газетаси таҳририяти биносининг орқа томонига етиб келиб, шу ерда ўзларини таъқиб қилиб келаётган Э.Б. ва унинг шерикларига ёнларида бўлган пичоқни кўрсатиб, агар яқинлашишса, ўлдиришини айтишган. Сўнг яна қочишига тушишгандда, Ф.М. қоқилиб ийқилиб тушганида, Э.Б. ва унинг шериклари қувиб келиб, Ф.М.ни уриб, тепкилашган. Ф.М. эса, улардан қутулиш мақсадида олдиндан олиб юрган йифма пичоғини олиб, қаршисида турган Э.Б.нинг кўкрак соҳасига онгли равища қасддан бир марта уриб, воқеа жойидан қочиб кетаётган вақтда ушланган.

Суд тиббиёт экспертизасининг хулосасида Э.Б.га ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳат етказилгани аниқланган.

Жабрланувчи Э.Б. судда 2017 йил 28 январь куни соат 15:00 да ўртоқлари билан

бирга Риштон туман марказидаги истироҳат боғида кетишаётган вақтда Ф.М. ва унинг шериги Э.Қ.лар иккита қизнинг йўлини тўсиб, уларга тегажоғлик қилгани сабабли улар билан жанжаллашгани, сўнг Ф.М. ва Э.Қ.лар қочиб кетишгани, уларнинг орқасидан қувиб, тош отишгани, Ф.М. югуриб кетаётib ийқилиб тушганида улар Ф.М.ни ўртоқлари билан уриб тепишгани, кейин Э.Қ.нинг орқасидан қувлаб кетишгани, у ҳам ийқилган Ф.М.ни тепмоқчи бўлиб олд томонига ўтганида, Ф.М. унинг чап кўкрак қисмига уриб, яна асфальт йўлга қараб югуриб кетгани, сўнг у шериклари билан Ф.М.ни орқасидан югуриб қувлагани, шу пайт Ф.М.ни ИИБ ходимлари ушлаб олишганини кўриб, улар ҳам ўртоқлари билан уйлар орасига қочиб, 20 метрлар чамаси юрганидан сўнг нафаси қисиб қолиб, ўртоқларига бу ҳақда айтгани, ўртоғи унинг кийимларини ечаётган

вақтда у ҳушини йўқотганини билдириб кўрсатма берган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида" ги қарори З-бандида қасддан одам ўлдиришга суюқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкинлиги, чунки бунда айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, жабрланувчининг ўлимига кўзи етган ва унинг ўлимини истаган бўлишини, бироқ ўлим айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра (жабрдийданинг фаол қаршилиги, бошқа шахсларнинг аралашуви, жабрланувчига ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилганлиги ва ҳ.к туфайли) юз бермаслиги, шу сабабли айбдорнинг жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш ниятида ҳаракат қилган-қилмаганлигини, ўлим юз беришини истаган-истамаганлигини ва қандай ҳолатлар исталган натижа юз беришига тўскىнлик қилганлигини аниқлаш зарурлиги;

Мазкур қарорнинг 4-бандида қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятидан фарқлаш учун айбдорнинг қасди нимага қаратилганлигини,

унинг ўз ҳаракатлари оқибати, яъни жабрланувчининг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инобатга олиш даркорлигини, айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишининг барча ҳолатлари мажмуудан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жиноий ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозимлиги ҳақида тушунириш берилган.

Иш ҳолатларидан аниқланишича, Ф.М. қариндоши Э.Қ. билан бирга жабрланувчи Э.Б. ва унинг шериклари билан жанжаллашиб, жанжалдан қутулиш мақсадида қочиб кетаётган вақтда йиқилган. Э.Б. ва унинг шериклари Ф.М.ни уриб тепаётган вақтида Ф.М. ундан қутулиш мақсадида ёнида олдиндан олиб юрган йифма пичноғи билан Э.Б.-нинг кўкрак соҳасига бир марта уриб, Э.Б.-

га ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказиб, қочиб кетган.

Иш ҳолатларига кўра, Ф.М. Э.Б.га пичноқ билан шикаст етказганидан сўнг яна пичноқ билан уриш имкониятига эга бўлган. Аммо Э.Б.-ни бошқа пичноқ билан урмагани Ф.М.нинг уни қасддан ўлдириш мақсади бўлмаганлигидан далолат беради.

Биринчи инстанция суди иш ҳолатларига етарлича эътибор қаратмасдан, қонуннинг мазкур талабига риоя қилмасдан Ф.М.нинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 25 ва 97-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиб, хатоликка йўл қўйган.

Апелляция инстанцияси суди Ф.М.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25 ва 97-моддаси 1-қисми билан нотўғри квалификация қилинганлигига эътибор бермасдан биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз қолдирган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 24 октябрдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, Ф.М.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25 ва 97-моддаси 1-қисмидан шу кодекснинг 104-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинди.

# ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БҮЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

## 1. Даъвогарнинг низоли ер участкаси ўзига тегишли эканлигиги тасдиқловчи далилни тақдим қила олмаслиги унинг ҳар қандай даъвосини рад қилиш учун асос бўлади.

Ер кодексининг 31-модда-сига кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаси га бўлган ҳукуки жойнинг ўзида чегаралар белгиланганнидан, ер участкалари-нинг планлари (тархи, яъни чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳукук давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 72-моддаси биринчи қисмига кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътиrozларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Даъвогар Салим Каримов жавобгарлар Камол Ражабов ва Вобкент туман ҳокимлигига нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда Вобкент туман ҳокимининг 2015 йил 29 июлдаги X-585/07-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, туман ҳокимининг қарори ҳақиқий эмас, деб топилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Вобкент туман ҳокимининг 2015 йил 29 июлдаги X-585/07-сонли қарори билан ўзгаририлган Вобкент туман ҳокимининг

2010 йил 19 январдаги X-23/1-сонли қарорига асосан, К.Ражабовга "Авто эҳтиёт қисм" учун дўкон қуришга 49 квадрат метр ер майдони ажратилган.

2008 йил 10 мартағи 446-сонли олди-сотди шартномасига асосан, С.Каримов Вобкент туман, Мустақиллик кўчасида жойлашган умумий ер майдони 502,98 квадрат метр бўлган "Аҳолига майший хизмат кўрсатиш биноси"ни Вобкент тумани аҳолига майший хизмат кўрсатиш бирлашмасидан сотиб олган.

Даъвогар С.Каримов ўзининг даъво талабида Вобкент туман ҳокимининг 2015 йил 29 июлдаги X-585/07-сонли қарорига асосан К.Ражабовга ажратилган ер участкаси унга тегишли "Аҳолига майший хизмат кўрсатиш биноси"нинг ҳудудига кирганлиги сабабли мазкур ҳоким қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Фуқаролик ишига илова қилинган Вобкент туман "Ермулккадастр" давлат корхонасининг 2017 йил 13 ноябрдаги 5/51-сонли хатида низоли ер майдони "Аҳолига майший хизмат кўрсатиш биноси" кадастр ҳужжатлари ва чизмаларига асосан мулкдор С.Каримовга тегишли эканлиги кўрсатилган.

Суд мазкур мутахассис хulosасидан келиб чиқсан ҳолда даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида асоссиз хulosага келган.

Чунки фуқаролик ишига илова қилинган Вобкент тумани "Ермулккадастр" давлат корхонасининг 2017 йил 15 июнданги 5/1197-сонли ҳамда Вобкент тумани Архитектура ва қурилиш бошқармасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 132-сонли хатида К.Ражабовга тегишли ер майдони даъвогарга тегишли "Рустам" майший хизмат кўрсатиш биноси ҳудудига кирманлиги кўрсатилган.

Суд мутахассислар хуласасидаги ушбу қарама-қаршиликларни бартараф қилиш чораларини кўрмаган.

Судга тақдим қилинган Қашқадарё вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг 2018 йил 20 августдаги 94/108-сонли хатида ҳам фуқаро К.Ражабовга туман ҳокимининг 2015 йил 29 июлдаги X-585/07-сонли қарори билан "Авто эҳтиёт қисм" дўкони қуриш учун ажратилган ер участкаси фуқаро С.Каримовга тегишли "Рустам" аҳолига майший хизмат кўрсатиш биносининг кадастр ҳужжати бўйича расмийлаштирилган ер участкасининг чегарасига кирманлиги кўрсатилган.

Мутахассислар томонидан берилган хulosаларда қарама-қаршиликлар мавжудлиги сабабли Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан суд-ершунослик экспертизаси тайинланган. Х.Сулаймонованомидаги Республика суд эк-

спертизаси Марказининг 2019 йил 22 январдаги 93/16.2-сонли хulosасида, жавобгар К.Ражабовга Вобкент туман ҳокимининг 2015 йил 29 июлдаги X-585/07-сонли қарорига асосан "Авто эҳтиёт қисм" дўкони қуриш учун ажратилган 49 квадрат метр ер майдонининг 14 квадрат метр қисми К.Ражабов томонидан Кўчмас мулк биржаси орқали 2000 йил 26 сентябрда сотиб олинган "Автомобилларнинг камерасини ямаш устахонаси" биноси жойлашган ер майдонининг ўрнига тўғри келиши, даъвогар С.Каримовга тегишли "Аҳолига майший хизмат кўрсатиш биноси" ер участкасининг чегарасига кирган ёки кирмаганини аниқлашнинг имкони йўқлиги кўрсатилган.

Мазкур хulosा юзасидан судлов ҳайъатида эксперт К.Бекмуратовдан сўралганда у ўзининг тушунтиришларида жавобгар К.Ражабов томонидан эгаллаб келинаётган ер майдони туман ҳокимининг қарори асосида ажратилган ер майдонининг ҳудудига тўғри келишини, ортиқча ер майдонини эгаллаб олиш ҳолати мавжуд эмаслигини, жавобгарга ажратилган ер майдони даъвогар С.Каримовга тегишли эканини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўл-

сининг ҳудудига кирганлигини исботловчи далиллар мавжуд эмаслигини маълум қилган.

Бундай ҳолларда Вобкент туман ҳокимининг 2015 йил 29 июлдаги X-585/07-сонли қарорига асосан К.Ражабовга ажратилган ер майдони даъвогар С.Каримовга тегишли "Аҳолига майший хизмат кўрсатиш биноси" ер участкасининг чегарасига кирган деб топиш учун асослар мавжуд эмас.

Шуларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 11 февралдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинди.

## **2. Даъвогарнинг ҳақи ундириб берилди (бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак. Фуқаролик кодексининг 327-моддаси).**

Фуқаролик процессуал кодексининг 72-моддаси биринчи қисмига кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътиrozларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Даъвогар Мақсаду Бобоева жавобгар Гулнора Низомовага нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарарлар ҳамда банк фоизини ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Даъвогар М.Бобоева даъво талабида жавобгар Г.Низомова ундан 2012 йил 22 сентябрда 23.000 АҚШ долларини олиб, суд ҳукми чи-

қарилгунига қадар қайтармaganлиги, Г.Низомовага тегишли Термиз шаҳар, 5-кичик даҳа, 10-уйнинг ёнида жойлашган 624 кв.м. ер майдонининг солиқ тўловлари учун ўзининг номидан 2015 йил 22 сентябрда 683.000 сўм, 2016 йил 29 августда 768.000 сўм жами 1.451.000 сўм тўлаганлиги, шунингдек, жиноят иши юзасидан етказилган зарарларни қоплаш эвазига расмийлаштириб берини айтиб ишонтиргани боис, мазкур бинонинг кадастри ҳужжатларини тайёрлаш учун 2018 йил 2 июлда ўз ҳисобидан ер солигидан бўлган 700.392 сўм қарзини

ҳамда бинонинг кадастри ҳужжатларини Г.Низомованинг номига расмийлаштириш учун 2018 йил 26 июняда ўз ҳисобидан 943.500 сўм, жами 1.643.892 сўм тўлаганлиги суд ҳукми билан тасдиқлангани, Г.Низомованинг қилмиши натижасида у соғлиғи, обрўси, ишчанлик қобилиятини йўқотиб, маънавий зарар кўрганлигини кўрсатиб, моддий ва маънавий зарарларни ҳамда банк фоизини ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 2018 йил 22 октябрдаги ҳал қилув қарорига кў-

ра, даъво талаблари қаноатлантирилган.

Унга кўра, Г.Низомовадан М.Бобоева фойдасига 172.520.313 сўм банк фоизи ҳамда 3.094.892 сўм моддий зарар, 3.000.000 сўм маънавий зарар, 368.600 сўм давлат божи суммасини ундириш;

Г.Низомовадан давлат фойдасига 7.024.608 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантиришда Фуқаролик кодексининг 327, 985, 1021-1022-моддаларига асосланган.

Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 20 ноябрдаги ажрими билан суд қарори қисман бекор қилиниб, бекор қилинган қисми бўйича янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Унга кўра, М.Бобоеванинг Г.Низомовага нисбатан қарз суммасининг банк фоизини ундириш ҳақидаги даъво талаби рад қилинган.

Ҳал қилув қарорининг Г.Низомовадан давлат фойдасига 7.024.608 сўм давлат божи ундириш қисми ўзгартирилиб, 202.730 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2018 йил 16 июлдаги ҳукмига кўра, Г.Низомова М.Бобоевага нисбатан фирибгарлик жиноятини содир қилиб, ўзига тегишли бўлган Термиз шаҳар, 5-кичик даҳа, 10-уйнинг ёнида жойлашган 624 кв.м. ер майдонида савдо дўкони қуринг,

менинг имконим йўқ, деб алдаб, 2011 йил 7 август кунидан 2017 йил ноябрь ойига қадар қурилиш қилдиришга эришганлиги ва қурилиш давомида ушбу ер майдонини унга сотишини билдириб, 2012 йил 22 сентябрда М.Бобоевадан 23.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағини олиб, унга 2013 йил 29 январда ер майдонини сотиш ҳуқуқи билан ишончнома расмийлаштириб берган, аммо 2014 йил 6 августда ушбу ишончномани М.Бобоевага билдириласдан бекор қилиб, унинг 23.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини ўзлаштиргани, шунингдек, М.Бобоевага қурилиш қилдириб, унга 200.417.230 сўм миқдорида моддий зарар етказганлиги учун Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбор деб топилиб, судланган.

Суд ҳукмida иш бўйича фуқаровий даъвогар М.Бобоевага етказилган зарарни қоплаш мақсадида Сурхондарё вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига 2018 йил 16 июля 5-сонли квитанция билан тўланган 246.886.660 сўм пулларни М.Бобоевага бериш ҳамда унга етказилган бошқа зарарларни ундириш бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 17 сентябрдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, 23.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағини ҳукм чиқарилган

кундаги давлат курси бўйича, яъни 1 АҚШ доллари 7813,42 сўмни ташкил қилган ҳолда 23.000 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 179.708.660 сўмдан ИИБ депозит ҳисоб рақамидаги пуллар ҳисобидан тўланган 46.469.430 сўмни чегириб ташлаб, Г.Низомовадан М.Бобоевага фойдасига 133.329.230 сўм етказилган зарарни ундириш ҳамда ундирувни 200.417.230 сўмга баҳолангандан Термиз шаҳар, 5-кичик даҳа, 10-уйнинг ёнида жойлашган 624 кв.м. ер майдонида тамомланмаган қурилиш биноларига қаратиш белгиланган.

Г.Низомова томонидан М.Бобоевага етказилган моддий зарарлардан қурилиш учун сарфланган 200.417.230 сўм ҳамда 23.000 АҚШ доллари ҳукм чиқарилган кундаги давлат курси бўйича 179.708.660 сўм суд ҳукмига асосан тўлаб берилган.

Жавобгар Г.Низомова даъвогар М.Бобоевадан 2012 йил 22 сентябрда 23.000 АҚШ доллари олиб, 2018 йил 17 сентябр куни жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими чиқарилгунинг қадар, яъни 6 йил давомида қайтармаганлиги суд ҳукми ва ажрими билан тасдиқланган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 9 апрелдаги ажрими билан фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 20 ноябрдаги ажрими бекор қилиниб, Термиз туманлараро судининг 2018 йил 22 октябрдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

# ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БҮЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

**1. Юридик шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй, бошқа иморатлар, иншоотлар, дов-дараҳтлар жойлашган ер участкаси олиб қўйилган ҳолда унга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк берилади ва етказилган бошқа зарарлар ўрни қопланади ёхуд давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарар тўлалигича қопланади.**

**Шундан кейин бинони бузиш мумкин. Бузилиши лозим бўлган кўчмас мулк қийматини суд йўли билан аниқлаш ва аниқланган қийматни жавобгарга қабул қилиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги даъво асосиз бўлган тақдирда, бундай даъвони қаноатлантириш рад этилиши лозим.**

"А" хусусий корхонаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга "Г" ишлаб чиқариш савдо фирмаси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ва В. шаҳар ҳокимлигига (бундан буён матнда шаҳар ҳокимлиги деб юритилади) нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, В. шаҳар, Ш. кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган савдо дўкони (бундан буён матнда савдо дўкони деб юритилади) биносининг ҳақиқий бозор баҳосини аниқлаб, аниқланган суммани жавобгар томонидан қабул қилиб олиш мажбуриятини юклашни ва жавобгар ҳисобидан савдо дўкони биносини бузишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 11 октябрдағи ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, жавобгар зиммасига даъвогардан савдо дўкони биносининг 335 734 169 сўмлик бозор баҳосидаги қийматини қабул қилиб олиш мажбурияти юклатилган, жавобгарга тегишли бўлган савдо дўкони бино-иншоотларини буздирилиши белгиланган.

Апелляция инстанцияси

судининг 2017 йил 28 ноябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришиз қолдирилган.

Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, иш бўйича янги қарор қабул қилинган. Даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган, ишни судда кўриш билан боғлиқ барча суд харажатлари тўлиқ даъвогар зиммасига юклатилган.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 июлдаги қарори билан В. шаҳрини келажакда қайта қуриш резаси ва замонавий йўлтранспорт коммуникацияларини ривожлантириш Давлат дастури тасдиқланган.

Ушбу дастурга кўра, В. шаҳрининг кўчаларини бош режага асосан реконструкция қилиш ва "қизил чизик" қа тушган биноларни бузиб олиш ҳамда ўрнига кўп қаватли турар-жой биноларини қуриш режалаштирилган.

Шунга асосан даъвогар-

га В. шаҳар ҳокимининг қарорига асосан Н. ва Б. кўчалари кесишимасида кўп қаватли турар жой қуриш учун ер ажратилган. Ушбу ҳудудда жавобгарга тегишли савдо дўкони биноси мавжуд бўлган.

Шаҳар ҳокимлиги томонидан жавобгарга тегишли бўлган савдо дўкони биносини бузиш бўйича ва савдо дўконининг компенсация пулини бозор баҳосида даъвогар тўлаб бериши ҳақида огоҳлантириш хатлари берилган.

Жавобгар ўзига тегишли бўлган савдо дўкони биносини у бузилишидан олдин мустақил баҳоловчига 603 749 000 сўмга баҳолатиб, даъвогарга ушбу маблағни тўлаб бериш тўғрисида тақлиф билдирган.

Даъвогар эса, ушбу баҳолаш ҳисоботидан норози бўлган ва савдо дўкони биноси учун товон пулининг ҳақиқий бозор баҳосини аниқлаган ҳолда қабул қилишни ва савдо дўконини ихтиёрий равишда бузишни сўраган. Бироқ жавобгар савдо дўкони биносинг ҳақиқий бозор баҳоси 603 749 000 сўм эканлигини билдириб, ушбу тўлов тўланганидан кейин бинони

иҳтиёрий бузишни билдириган.

Даъвогар судга мурожаат қилиб, бузишга тушган бинонинг бозор баҳосини суд тартибида аниқлаш ва унинг қийматини даъвогардан жавобгар қабул қилиши мажбуриятини жавобгарнинг зиммасига юклатишни ва биноларни жавобгар ҳисобидан буздиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди иш ҳолатларига тўғри баҳо бермасдан, даъвони қаноатлантириб асосиз хуласага келган. Жумладан, Уйжой кодексининг 29-моддасига кўра, юридик шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй, бошқа иморатлар, иншоотлар, дов-даражатлар жойлашган ер участкаси олиб қўйилган ҳолда унга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк берилади ва етказилган бошқа зарарлар ўрни қопланади ёхуд давлат ёки жамоат эҳтиёjlари учун ер участкаси олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарар тўлалигича қопланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида"ги Низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади) 2-банди биринчи хатбошисига кўра, ер участкаси ёки унинг бир қисмини (бундан буён матнда ер участкаси деб юритилади) давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун олиб қўйиш ер эга-

сининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарага оловчи билан келишув бўйича — тегишли равишда туман, шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, амалга оширилади; 4-бандининг биринчи хатбошисига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори асосида тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ер участкасини олиб қўйиш ҳамда уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотларни бузиш ва дов-даражатларни кўчириб ташлаш тўғрисида ўз қарорини чиқаради; 7-бандига кўра, олиб қўйилаётган ер участкалари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ажратиб берилган тақдирда, уй-жой қийматини тўлаш, уйлар (квартиralар) бериш ва вақтинчалик турар жой бериш, шунингдек, янги жойга кўчиш билан боғлиқ барча харажатларни қоплаш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари қарорига кўра, ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Низомнинг 9-банди мазмунига кўра, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосари бошчилигида

ваколатли ташкилотлар вакиллари ва манфаатдор шахслар иштироқида тўлов миқдорини ва компенсация турини белгилаш бўйича комиссиялар ташкил қилишлари лозим.

Низомнинг 10-бандига кўра, уйлар (квартиralар), иморатлар ва иншоотларни, шунингдек, олиб қўйилаётган ер участкаларидаги кўп йиллик дов-даражатларни баҳолаш баҳоловчи ташкилотлар томонидан ариза берувчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот комиссияга берилади; 13-бандига кўра, пул компенсацияларини тўлашнинг аниқ муддатлари ва тартиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарори билан, бузиш бошлангунгача пул компенсациясини тўлаган ҳолда белгиланади.

Низомнинг 26-банди биринчи хатбошисига кўра, юридик шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй, ишлаб чиқариш иморатлари, бошқа иморатлар, иншоотлар, дов-даражатлар жойлашган ер участкаси олиб қўйилган ҳолда унга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк берилади ва ер участкаси давлат ёки жамоат эҳтиёjlари учун олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарар тўлалигича қопланади; 27-бандининг иккинчи хатбошисига кўра, олиб қўйилаётган ер участкалари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилган тақдирда, товоң тўлаш, турар жой бериш, вақтинча турар жой бериш

ва мол-мулкни янги жойга ташиш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарорлариiga кўра, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Низомнинг 28-бандига кўра, ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан кўрилган зарар компенсациясини олиш учун юридик шахс бўлажак бузиш тўғрисида билдиришнома олингандан кейин бир ой муддатда тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимларига компенсациянинг танланган турини кўрсатган ҳолда ариза бериши керак; 30-бандига кўра, юридик шахсга тегишли бўлган уй, ишлаб чиқариш иморатлари, бошқа иморатлар ва иншоотлар компенсация тури, тўлов миқдори ва муддати юридик шахс билан келишилгандан кейин бузилиши мумкин.

Юридик шахсларга тегишли бўлган ер майдонлари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши ва бу жараённи тартибга солишга қаратилган етарли қонун нормалари мавжуд бўлса-да, юқоридаги Низом талабаридан четга чиқсан

ҳолда даъвогар томонидан судга даъво билан мурожаат қилинган.

Суд ҳам иш ҳолатларини тўлиқ ўрганмасдан, тарафлар ўртасида келиб чиқсан низонинг хуқуқий характеристига етарли баҳо бермасдан, даъвони қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилган.

Суд қарорлари қабул қилинган пайтда амалда бўлган Хўжалик процессуал кодексининг 55-моддаси биринчи қисми, 2018 йил 1 апрелдан қонуний кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 68-моддаси биринчи қисмига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътиrozлариiga асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Даъвогар даъво талаби кайси асосга кўра, қаноатлантирилиши лозимлигини исботлаб бермаган. Апелляция инстанцияси суди эса, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида нотўғри тўхтамга келган.

ИПКнинг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок

этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун хужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли қарори 22-банди иккинчи хатбошисига кўра, ишни апелляция, кассация инстанциялари судларида ёки назорат тартибида кўришда суд хужжатлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳолда, иқтисодий суд қарорда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан олдиндан тўланган давлат божи бўйича харажатларни хисобга олиб қайта тақсимлаш масаласини кўриб чиқиши лозим.

Шунга кўра, судлов ҳайъати қуии суд инстанциялари қарорларини бекор қилиш, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилишни лозим топган ҳамда ишни барча суд инстанцияларидан кўриш билан боғлиқ суд харажатларини даъвогар зиммасига юклаган.

## **2. Ўзбошимчалик билан шаҳар сув тармоғига уланган тадбиркорлик субъекти коммунал хизмат кўрсатиш корхонаси олдида истеъмолчи ҳисобланмайди ва ўзбошимчалик билан уланиш санасини ҳужжат билан тасдиқлашнинг имкони бўлмаса, у ҳолда ўзбошимчалик билан уланиб фойдаланиш даври даъво даври муддатига teng бўлади.**

"Сувоқова" унитар корхонаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "З" савдо ишлаб-чиқариш тижорат корхонасидан (бундан буён матнда жавобгар

деб юритилади) 66 067 920 сўм ҳисобланган қарздорликни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 18 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, жавоб-

гардан даъвогар фойдасига 543 024 сўм ундирилган, даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг 2018 йил 17 майдаги қарори билан ҳал

қилув қарори бекор қилиниб, иш бўйича иш юритиш тутатилган.

Назорат шикоятида биринчи инстанция суди иш ҳолатларига тўлиқ баҳо бермаганлиги ва даъвонинг 65 524 896 сўмлик қисми асоссиз равиша рад этилганлиги, кассация инстанцияси суди ишни қайта кўришда биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларига тегишли ҳуқуқий баҳо бермаганлиги қайд этилиб, суд қарорларини бекор қилиш, даъвони тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилиш сўралган.

Иш хужжатларидан маълум бўлишича, жавобгар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс бўлса-да, ўрнатилган тартибда даъвогар билан ичимлик суви етказиб бериш тўғрисида шартнома тузмасдан, сув ўлчагич асбобини тегишли тартибда рўйхатдан ўтказмасдан шаҳар сув тармоғидан ўзбошимчалик билан Д-15 мм. қувур орқали фойдаланганлиги аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан даъвогар ва жавобгар ходимлари иштирокида 2017 йил 9 августда 132346-сонли далолатнома-кўрсатма тузилган. Мазкур далолатнома-кўрсатма асосида даъвогар томонидан даъво муддати даврида, яъни 1095 кун учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилиб, 66 067 920 сўмни тўлаш тўғрисида жавобгарга 2017 йил 23 октябрда 1673/114-сонли талабнома берилган ва 5 кунлик

муддатда қарзни тўлаш чорасини кўриш сўралган.

Талабнома ихтиёрий равишда ижро этилмагач, даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 66 067 920 сўмни ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъвогар I груп истеъмолчилар бўйича уч ойда бир марта, II ва III груп истеъмолчилари учун кўпи билан бир ойда бир марта сув ва канализация ҳўжаликларини назоратдан ўtkазиб туриши лозимлиги асосида кўра, 2017 йил 1 августдан 10 августга қадар бўлган 9 кун учун қайта ҳисоб қилиниши лозим деб хисоблаб, жавобгардан даъвогар фойдасига 543 024 сўм ундирган ва даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этган.

Кассация инстанцияси суди эса, қоидабузарлик аниқланган уй-жой фуқаро Г.К.га мулк ҳуқуқи асосида тегишли эканлиги, иқтисодий судда бу тоифадаги ишлар кўрилмаслигини асос қилиб, ҳал қилув қарорини бекор қилган ва иш бўйича иш юритишни тутатган.

Судга маълум бўлишича, жавобгар 2002 йил 13 февралда юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган ва унинг фаолият юритиш манзили А. шахри, Ж. кўчаси, 1-уй, ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳусусий корхона, фаолият йўналиши озиқ-овқат маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш, таъсисчиси фуқаро Г.К. эканлиги кўрсатилган.

Жавобгар тадбиркорлик субъекти сифатида юқо-

рида кўрсатилган манзилда чакана савдо фаолияти билан шуғулланиб келган ва шаҳар сув тармоғига уланган бўлса-да, белгиланган тартибда шартнома тузмаган ва сув ўлчагич асбобини рўйхатдан ўтказиши чорасини кўрмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидалари ни тасдиқлаш тўғрисида" 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидалари"нинг (бундан буён матнда Қоидалар деб юритилади) 2-бандида ўзбошимчалик билан фойдаланишга таъриф берилган бўлиб, бу сув таъминоти ва канализация тизимларидан сув бериш (олиш) ва оқова сувларни қабул қилиш (оқизиш) юзасидан тузилган шартномасиз фойдаланиш, шунингдек, истеъмолчи (субистеъмолчи) томонидан шартнома шартларини бузган ҳолда фойдаланишдир.

Қоидаларнинг 49-банди биринчи хатбошисига кўра, фаолият кўрсатаётган ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларига (шу жумладан, сув олиш колонкалари ва ўт ўчириш гидрантлари, уйнинг киритма ва чиқувларига ҳам) ўзбошимчалик билан уланиб олиш, шунингдек, ушбу тизимлардан ўзбошимчалик билан фойдаланиш тақиқланади; 94-бандига кўра, ичимлик суви ва канализация тармоқлари ҳамда курилмаларига ўз-

бошимчалик билан уланиб олинганлик аниқланган тақдирда, сарфланган сув ва қабул қилинган оқова сувлар миқдори ушбу Қоидаларнинг 87-бандига мувофиқ, уланишнинг сув узатиш қуввати бўйича қуидаги кундан бошлаб ҳисоб-китоб қилинади:

ўзбошимчалик билан уланиш аниқлангунга қадар охирги текшириш далолатномаси тузилган кундан;

агар ўзбошимчалик билан уланиш ИСКХ ташкилотига тегишли тармоқ ва қурилмаларга нисбатан бўлган бўлса, ўзбошимчалик билан уланиш кунидан бошлаб у аниқлангунга қадар, бироқ даъво муддатидан кўп бўлмаган ҳолда ҳисобланади. Агар ўзбошимчалик билан уланиш санасини хужжат билан тасдиқлашнинг имкони бўлмаса, у ҳолда ўзбошимчалик билан уланиб фойдаланиш даври даъво даври муддатига тенг бўлади.

Фуқаролик кодексининг 150-моддасига кўра, умумий даъво муддати — уч иил.

Қоидаларнинг 87-банди б-кичик бандига кўра, II ва III гурӯҳ истеъмолчилари учун ҳисоблаш асосий ичимлик суви тармоғи уланмасининг сув ўтказиш қуввати бўйича қуидаги формула билан амалга оширилади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда — **M** — 0,60-0,62 га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти; **F** — суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички ди-

аметр бўйича), кв. м; **g** — 9,8 м<sup>2</sup>/секундга тенг бўлган эркин тушиш тезлиги; **H** — сув тақсимоти ёки коммунал сув тармоғига уланиш жойидаги сувнинг бир метрдаги босими; **t** — ойнинг календарь кунлари, 24 соат мобайнидаги северундлардаги вақт.

Даъвогар жавобгар томонидан ўзбошимчалик билан сув истеъмол қилинганини асосига кўра, қайта ҳисоб-китобни тўғри амалга оширган.

Биринчи инстанция судининг даъвогар ҳар ойда жавобгарнинг манзилига келган ҳолда назорат кўригини амалга ошириши шартлиги тўғрисидаги хulosаси асоссиз ҳисобланади.

Қоидаларнинг 2-бандида берилган таърифга кўра, истеъмолчи — сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш марказлаштирилган тизимларидан фойдаланиш соҳасида сув қувурлари — канализация хўжалиги ташкилотлари (кейинги ўринларда ИСКХ ташкилоти деб аталади) билан сув олиш ва (ёки) оқова сувларни оқизиб юбориш хизматлари юзасидан белгиланган тартибда шартнома тузган юридик ва жисмоний шахслардир.

Қоидаларнинг 2018 йил 23 ноябрга қадар амалда бўлган 119-банди ўн учинчи хатбошисига кўра, ИСКХ ташкилоти I гурӯҳ истеъмолчиларида — уч ойда бир марта, истеъмолчиларнинг II ва III гурӯхларида — кўпи билан бир ойда бир марта уларнинг ичимлик сув ва канализация хўжаликларини назоратдан

ўтказиб туриш (сувни ҳисобга олиш индивидуал асбобларининг ишлаши ва пломбалари бутлигини кўздан кечириш, кўрсаткичларини ёзиб бориш), назорат юзасидан тегишли далолатномалар тузишга мажбур бўлган.

Жавобгар даъвогар билан шартнома тузмаган ва у истеъмолчи ҳисобланмайди. Шунга кўра, даъвогар ҳар ойда жавобгарнинг сув тармоғидан фойдаланишини назорат қилишга мажбур эмас.

Иқтисодий процессуал кодексининг 322-моддаси биринчи қисмига кўра, суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Ушбу кодекснинг 321-моддаси 3-бандига кўра, суд ишни назорат тартибда кўриб чиқсанда ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ҳамда ишни янгидан кўриш учун юбормасдан янги қарор қабул қилишга ҳақли.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг 2018 йил 18 январдаги ҳал қилув қарори, кассация инстанцияси судининг 2018 йил 17 майдаги қарорини бекор қилиш, иш бўйича янги қарор қабул қилиш, даъвогарнинг даъво талабини тўлиқ қаноатлантириш, жавобгардан даъвогар фойдасига 66 067 920 сўмни ундиришни, ишни судда кўриш билан боғлиқ барча харажатларни тўлиқ жавобгар зиммасига юклашни лозим топди.

# МАЪМУРИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

## **1. Ҳуқуқбузарнинг шахсий мулки бўлмаган ашё маъмурӣ ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли сифатида мусодара қилиниши мумкин эмас.**

Фуқаро А.А. 2018 йил 18 август куни Марказий деҳқон бозори ҳудудида квас ичимлигини сотиш билан шуғулланаётганда солиқ органи ходимлари ундан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат берувчи ҳужжатларни тақдим этишни сўраган. Аммо фуқаро А.А. солиқ органи ходимларига бундай ҳужжатларни тақдим эта олмаганлиги учун ашёвий далил сифатида 1 дона квас ичимлигини сақлашга мўлжалланган бочка ва 9 900 сўм пул маблағи тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, олиб қўйилган.

Туман маъмурӣ судининг қарори билан ҳуқуқбузар А.А. Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-моддаси биринчи қисми билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида — 861 200 сўм жарима солинган. Иш бўйича ашё-

вий далил сифатида олинган 1 дона 300 литр ҳажмдаги 800 000 сўмлик бочка ва 9 900 сўм пул маблағлари давлат фойдасига ўтказилиши белгиланган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан туман судининг қарори ўзаришсиз қолдирилган.

Бироқ судлар иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган 1 дона 300 литр ҳажмдаги 800 000 сўмлик бочкани давлат фойдасига ўтказиша хатоликка йўл қўйган. Чунки судлар давлат фойдасига ўтказилган бочка ҳуқуқбузар А.А.га эмас, балки "Д" масъулияти чекланган жамиятига тегишли эканлигига, А.А.га бочка масъулияти чекланган жамияти билан 2018 йил 16 августда тузиленган ижара шартномасига асосан берилганлигига эътибор бермаган.

Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 27-мод-

даси биринчи қисмига кўра, маъмурӣ ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурӣ ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиш мазкур ашёни ҳақ тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишидан иборат бўлиб, ушбу чора туман (шахар) маъмурӣ суди томонидан қўлланилади. Ҳуқуқбузарнинг шахсий мулки бўлмаган ашё мусодара қилиниши мумкин эмас, муомаладан чиқарилган ашёлар бундан мустасно.

Шу сабабли судлов ҳайъати суд қарорларининг ашёвий далил сифатида олинган 1 дона 300 литр ҳажмдаги 800 000 сўмлик бочкани давлат фойдасига ўтказиш қисмини ўзgartиришни ва ҳуқуқбузар А.А.дан ашёвий далил сифатида олиниб, давлат фойдасига ўтказилган бочкани "Д" масъулияти чекланган жамиятига қайтаришни лозим топди.

## **2. Маъмурӣ ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган моддий зарар сугурта ташкилоти томонидан жабрланувчига тўлиқ тўлаб берилган ҳолларда, суд ҳуқуқбузардан жабрланувчи фойдасига такроран моддий зарарни ундириш тўғрисида қарор қабул қилмайди.**

Фуқаро К.К. 2018 йил 14 март куни тахминан соат 21:40 ларда Бобур кўчасида спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда отаси Н.Н.га тегишли "Ласетти" русумли, давлат рақами 20 С 222 DA бўлган автомашинани бошқариб, "Йўл ҳаракати қоидлари"нинг 12 ва 53-бандлари талабларига риоя қилмасдан, фуқаро Р.Р. бошқарувидаги давлат рақами 20 М

333 АА бўлган "Дамас" русумли автомашина билан тўқнашув содир этган.

Туман маъмурӣ судининг қарори билан ҳуқуқбузар М.М. Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси биринчи қисмида ва 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган деб топилиб, Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 34-

моддаси қўлланилиб, тайинланган жазоларнинг енгилини оғирроғи билан қоплаш йўли орқали узил-кесил унга нисбатан бир йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган. М.М.дан жабрланувчи Р.Р. фойдасига 1 600 500 сўм моддий зарар ундирилиши белгиланган.

Кассация инстанцияси су-

дининг ҳал қилув қарори билан туман маъмурий судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати туман маъмурий судида иш кўрилаётган вақтда сугурта компанияси томонидан жабрланувчи Р.Р.га 1 600 500 сўм етказилган моддий зарар тўлаб берилган бўлса-да, биринчи ва кассация инстанцияси судлари бу ҳолатга эътибор бермасдан, ҳуқуқбузар

М.М.дан жабрланувчи Р.Р. фойдасига такоран 1 600 500 сўм моддий зарар ундириш тўғрисида қарор қабул қилган.

Шу сабабли судлов ҳайъати туман маъмурий суди ва кассация инстанцияси суди қарорларини ўзгартириб, ҳуқуқбузар М.М.дан жабрланувчи Р.Р. фойдасига 1 600 500 сўм моддий зарар ундириш қисмини бекор қилишни ва ҳуқуқбузар

томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси биринчи қисмида ва 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги иш хужжатлари билан ўз исботини топганлиги ҳамда судлар ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларини тўғри малакалаганлиги учун суд қарорларининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

**3. Ҳақиқий ҳарбий хизматга резервдан ёки захирадан ихтиёрий равишда (контракт асосида) ҳарбий хизматга келган ва календарь бўйича 10 йил хизмат қилган офицерлар хизматдан бўшатилаётганида олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида ўқиган даврининг бир ойи бир ойлик хизмат ҳисобида, шунингдек, ҳарбий хизматга чиқарилаётган вақтдаги ихтиосликка мувофиқ келадиган лавозимлардаги бир ойлик иш стажи бир ойлик хизмат ҳисобида уларнинг ҳақиқий хизмат ўтаган муддатига киритилади.**

Фуқаро Г.Г. 1992 йил 30 августандан 1994 йил 5 июлга қадар Тошкент юридик колледжида ўқиган. 1994 йил 18 октябрдан 1999 йил 22 апрелга қадар ҳарбий судда турли лавозимларда ишлаган. 1999 йил 22 апрелдан шартнома асосида ҳарбий хизматга қабул қилинган.

Мудофаа вазирлигининг 2003 йил 6 январдаги 45-сонли буйруғи билан Г.Г.га адлия лейтенанти мақоми берилиб, у офицерлар таркибида киритилган.

Мудофаа вазирлигининг 2017 йил 6 майдаги 0262-сонли буйруғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг 2017 йил 31 майдаги 111-сонли буйруғи билан Г.Г. ҳарбий хизматдан захирага бўшатилган. Мудофаа вазирлигининг Махсус комиссияси томонидан Г.Г. ўрта-махсус ўқув юртида ўқиган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлаган даврлари унинг ҳарбий хизматни ўтаган муддатига қўшиб ҳисобланмаган.

Шу сабабли Г.Г. жавобгар — Мудофаа вазирлиги махсус комиссияси аъзоларининг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиб, жавобгар зиммасига ҳарбий хизмат даврига унинг ўртамахсус ўқув юртида ўқиган даврини ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлаган даврларини унинг иш стажига қўшиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Шаҳар маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги ПҚ-257-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 19-бандида ҳақиқий ҳарбий хизматга резервдан ёки захирадан ихтиёрий равишда (контракт

асосида) ҳарбий хизматга келган ва календарь бўйича 10 йил хизмат қилган офицерлар хизматдан бўшатилаётганида, олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида ўқиган даврининг бир ойи бир ойлик хизмат ҳисобида, шунингдек, ҳарбий хизматга чиқарилаётган вақтдаги ихтиосликка мувофиқ келадиган лавозимлардаги бир ойлик иш стажи бир ойлик хизмат ҳисобида уларни ҳақиқий хизмат ўтаган муддатига киритилиши белгиланган.

Аммо Г.Г. юқоридаги Низомда кўрсатилганидек, олий ўқув юртини эмас, балки коллежни, яъни ўрта-махсус ўқув юртини тамомлаган. Бундан ташқари у ҳарбий хизматга шартнома асосида кирган вақтида офицер унвонига ҳам эга бўлмаган.

Шу сабабли судлов ҳайъати шаҳар маъмурий суди ва апелляция инстанцияси суди қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

# Судда фуқаролик ишларини қўзғатиш: янгиликлар, муаммолар ва тақомиллаштириш масалалари

*Судларнинг фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ фаолияти маълум бир босқичларда амалга оширилади ҳамда ривожлантирилади. Фуқаролик процессининг босқичлари бу фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифаларини амалга ошириш, фуқаролик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш каби мухим мақсадга йўналтирилган судьянинг ва процесс иштирокчиларининг процессуал ҳаракатлари йигингисидир.*

**Музafferjon МАМАСИДДИКОВ,**  
Бош прокуратура академияси  
марказ бошлиғи,  
юридик фанлар доктори, профессор

Одатда, фуқаролик процесси қуйидаги босқичларга бўлинади:

- Фуқаролик ишини қўзғатиш;
- ишни судда кўришга тайёрлаш;
- суд мұхокамаси;
- суднинг ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорлари юзасидан шикоятлар бериш ва протестлар келтириш;
- суднинг ҳал қилув қарорларини ижро этиш.<sup>1</sup>

Шундай қилиб, фуқаролик ишларини қўзғатиш фуқаролик процессининг дастлабки ва мустақил босқичи ҳисобланади. Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилиги мазкур босқичда бир қатор шартлар ва талабларни белгилайди. Ушбу талаблар фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифаларини тўлиқ амалга оширишда мухим аҳамият касб этади. Зоро, фуқаролик ишлари қонунда белгиланган тартибда қўзғатилмас экан, судлар ўз зиммаларида мухим вазифани, яъни фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисадий ва ижтимоий ҳукуқларини, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг ҳукуқлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳукуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган



манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш; қонунийлик ва ҳукуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиш ҳамда қонунга ва судга нисбатан хурмат муносабатини шакллантириш (ФПКнинг 2-моддаси) кабиларни амалга ошириш имкониятидан маҳрум бўлади.

Судга мурожаат қилаётган шахслар фуқаролик процессуал қонунчиликда белгиланган шартлар ва тартибга риоя қилишлари талаб этилади. Зоро, мамлакатимизда 2018 йил 1 апрелдан кучга кирган янги Фуқаролик процессуал кодекси (кейинги ўринларда ФПК деб юритилади)нинг 3-моддасида ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳукуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги белгиланган бўлиб, бу судга мурожаат қилаётган шахсларга қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш мажбуриятини ҳам юклайди.

Янги ФПКда фуқаролик ишини қўзғатиш борасида, аввалги кодексдан фарқли равишда, эътиборга лойик қуйидаги янгиликларни қўришимиз мумкин:

биринчидан, судга тақдим этилаётган аризада жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, башарти, бу қонун ёки шартномада назарда тутилган бўлса, кўрса-

тилиши кераклиги белгиланди. Бу ўз навбатида, низоларни судгача ҳал қилиш тартибининг таъсирини ошириб, тарафларни низоли иш бўйича ўзаро ярашишга даъват қилади ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судьяларнинг ҳам иш ҳажми камайишига хизмат қиласиди.

Иккинчидан, судга мурожаат қилаётган шахсларнинг ортиқча сансалорликларининг олдини олиш, судда ишлар тўғри ва ўз вақтида кўрилишига замин ҳозирлаш ҳамда даъво аризаларининг асосларини мустаҳкамлаш мақсадида, аризага илова қилинадиган ҳужжатларнинг умумий рўйхатини белгиловчи янги норма киритилди (ФПКнинг 191-моддаси).

Таъкидлаш жоизки, ушбу рўйхат тугал ҳисобланмайди ва муайян фуқаролик ишнинг тури ва хусусиятидан келиб чиқиб, қонунчилик аризага юқоридаги нормада белгиланмаган ҳужжатларни ҳам аризага илова қилиш мажбуриятини юклайди. Масалан, ФПКнинг 296-моддаси иккинчи қисмида белгиланишича, аризада муайян фактни аниқлаш аризачига қандай мақсадлар учун зарур эканлиги кўрсатилиши, шунингдек, аризачининг тегишли ҳужжатларни олиш имкониятига эга эмаслигини ёхуд йўқолган ҳужжатларни тиклаб бўлмаслигини тасдиқловчи далиллар келтирилиши керак. Шунингдек, ФПКнинг 300-моддасида фарзандликка олиш тўғрисидаги аризага илова қилиниши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати келтирилган.

Учинчидан, аввалги кодексда ўз ечимини топмаган, бир гурӯҳ олимлар ва соҳа мутахассисларининг ҳақли эътиrozларига сабаб бўлган аризани суд томонидан иш юритишга қабул қилиш муддати ва тартибига доир масала ҳал этилди. Хусусан, ФПКнинг 192-моддасига кўра, судья аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги масалани ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай якка тартибда бу тўғрисида ажрим чиқариш орқали ҳал этиши, ажримнинг кўчирма нусхаси ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга аризачига ажрим чиқарилгандан кейинги кундан кечиктирмай юборилиши ҳақида муҳим янги норма киритилди. Бу ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан кафолатланган ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний

манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга ошириш механизмлари процессуал қонунчиликда мустаҳкамланишига олиб келади.

Тўртинчидан, аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш институтига жиддий ўзгаришлар киритилди. Хусусан, эндиликда нафарқат фуқаролик ишлари бўйича суднинг, балки иқтисодий ёки маъмурий суднинг ёхуд чет давлат ваколатли судининг айни бир тарафлар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилинган талабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги ажрими мавжуд бўлса ҳам, суд томонидан ариза қабул қилиниши рад этилиши белгиланди.

Шунингдек, низоларни ҳал этишда ҳакамлик судларининг таъсири ва самарадорлигини ошириш мақсадида, ҳакамлик судининг иш юритишида айни бир тарафлар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса, шу асослар бўйича ҳакамлик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса (бундан фуқаролик ишлар бўйича суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро ва рақасини беришни рад этган ҳоллар мустасно) ҳамда ушбу асослар бўйича ҳакамлик муҳокамасини тугатиш тўғрисида чиқарилган ажрим бўлса (бундан ҳакамлик судида ушбу низоны кўриб чиқиш ваколати мавжуд эмаслиги сабабли ҳакамлик муҳокамаси тугатилганини ҳолати мустасно) суд аризани қабул қилишни рад этиши белгиланди.

Бешинчидан, биринчи инстанция суди томонидан аризаларни ҳаракатсиз қолдириш институти тугатилиб, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтариш асослари ва тартиби белгиланди. Бинобарин, аввалги ФПКда аризани қабул қилишни рад этувчи айрим асослар янги ФПКда аризани қайтариш асосларига (195-модда) киритилди. Шунингдек, аризани қайтариш учун муқаддам ФПКда мавжуд бўлмаган қуидаги асослар киритилди: битта аризада бир ёки бир неча жавобгарга нисбатан бир нечта талаб бирлаштирилган бўлса, башарти, бу талаблар ўзаро боғлиқ бўлмаса; иш юритишга қабул қилиш ва ишни қўзғатиш тўғрисида ажрим

чиқарилгунига қадар аризачидан аризани қайтариш ҳақида ариза келиб тушган бўлса; мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ариза қонунда белгиланган муддатдан олдин ёки қонунда назарда тутилган мол-мулкни (ашёни) аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби бузиб берилган бўлса.

Олтинчидан, қарши даъво тақдим этиш ва қарши даъвони қабул қилиш шартларига доир моддалар ФПКнинг "Иш қўзғатиш" деб номланган 20-боби таркибига киритилди.<sup>2</sup>

Маълумки, судда даъво ишларини қўзғатишнинг асосий шартларидан бири судга мурожаат қилувчи шахслар доираси ҳамда мурожаат қилиш шаклларини тўғри аниқлашдан иборатdir.

Муқаддам амалда бўлган ФПКнинг 5-моддасида суд фуқаролик ишини қайси ҳолларда қўзғатиши ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра:

1) ўзининг хукуки ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахснинг аризаси бўйича;

2) прокурорнинг аризаси бўйича;

3) агар давлат бошқаруви органлари, ташкilotлар ва айрим фуқаролар қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг хукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли бўлсалар, уларнинг берган аризалари бўйича фуқаролик иши қўзғатилган.<sup>3</sup>

Янги ФПКда суд фуқаролик ишини қайси ҳолларда қўзғатиши мумкинligини белгиловчи ва судга мурожаат қилувчи шахсларга бирмунча қулайлик яратувчи ушбу маҳсус нормадан воз кечилди.

Янги кодексда судга мурожаат қилиш шаклига бағишлиган маҳсус модда киритилиб, унга кўра, судга мурожаат қилиш фуқаролик хукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича — даъво аризаси шаклида; бўйруқ тартибида иш юритиш бўйича, алоҳида тартибида юритиладиган ишлар бўйича, шунингдек, ушбу кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда — ариза шаклида; апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларига мурожаат этилганда — шикоят (протест) шаклида амал-

га оширилиши, мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкинлиги каби норма белгиланди (ФПКнинг 4-моддаси). Шу билан бирга, ушбу кодексда судга мурожаат қилиш шаклини тақрорловчи нормадан ҳам воз кечилмади. Хусусан, ФПКнинг 188-моддасида судда ишлар ёзма шаклда, шу жумладан, почта орқали ёки электрон ҳужжат тарзида ариза бериш йўли билан қўзғатилишини назарда тутивчи маҳсус норма белгиланди.

Шу ўринда ўрганилган аксарият хорижий давлатлар (Россия, Украина, Қозогистон, Тоҷикистон) фуқаролик процессуал қонунчилиги таҳлили судга мурожаат қилинаётган даъво аризасининг мантиқан бир-бирига яқин бўлган мазмуни ва шаклига оид қоидалар айнан битта моддада белгиланганлигини кўрсатади.<sup>4</sup> Бу эса, процесс иштирокчилари ФПК нормаларидан фойдаланишида бирмунча қулайликларни юзага келтиради.

Мамлакатимиз ФПКнинг 4-моддасида судга фуқаролик хукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича даъво аризаси шаклида мурожаат қилиш белгиланган бўлса-да, бироқ ушбу кодекснинг "Иш қўзғатиш" деб номланган 20-бобидаги моддалирида "даъво аризаси" эмас, балки "ариза" атамаси қўлланилган. Бу эса, хукуқшунос олимларнинг эътирозига сабаб бўлиш билан бир қаторда, хукуқни қўллаш амалиётида турили талқинларга олиб келиши мумкин. Ўрганилган аксарият хорижий давлатлар (Россия, Украина, Қозогистон, Тоҷикистон) ФПКнинг "Даъво ишини юритиш" деб номланган бобида белгиланган иш қўзғатиши доир нормаларда "ариза" эмас, балки "даъво аризалири" атамаси қўлланилади. Шундай экан, мамлакатимиз ФПКнинг "Иш қўзғатиш" деб номланган 20-бобидаги моддаларда назарда тутилган "ариза" атамалари "даъво аризаси" тарзида баён этилиши белгиланса, аввало, бу судга мурожаат қилувчи шахсларга қулайликлар туғдириши, шунингдек, қонунчиликда қўлланилган атамаларни бирхиллаштиришга хизмат қиласди.

<sup>1</sup> Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал хукуки. Дарслик. -Тошкент: Адолат, 2001, -190 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Расмий нашр. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги, 2017. 462-модда.

<sup>4</sup> "Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации" от 14.11.2002 N 138-ФЗ //www.consultant.ru; Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан // Кодекс Республики Казахстан. Источник: ИС Параграф WWW http://online.zakon.kz; Гражданский процессуальный кодекс Украины // kodeksy.com.ua; Гражданский процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 25 января 2017 года № 14. http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111521

# Болалар тарбияси билан боғлиқ низолар

## Уларни ҳал этишда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришнинг айрим масалалари

Сўнгги йилларда мамлакатимиз суд-хуқуқ соҳасига амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон хуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилишининг самарали механизмларини ҳаётга жорий этишга қаратилмоқда. Шунга кўра, қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари янгиланиб, давлат дастурлари қабул қилинмоқда.

**Б. ҲАМИДОВ,**

Тошкент давлат юридик университети  
катта ўқитувчisi

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида боланинг оиласада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида патронатга (оила тарбиясига) бериш амалиётини кенгайтириш, оғир турмуш шароитида яшаётган

хотин-қизларни янада қўллаб-қувватлаш учун уларни иш билан таъминлаш ҳамда уй-жой нархининг бошланғич тўлов миқдорини тўлаб бериш орқали қўллаб-қувватлаш амалиётини жорий этишга оид аниқ чора-тадбирлар белгиланди.<sup>1</sup>

Мазкур ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — жамиятнинг таянчи бўлган оила институтини ижтимоий муҳофаза қилиш, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда боланинг оиласада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

Амалдаги қонунчиликка кўра, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур<sup>2</sup> эканлиги ҳам миллий қонунчиликда ўз аксини топган.

Фарзанд тарбияси билан боғлиқ масала халқимизнинг азалий ахлоқий қад-



риятларидан бири саналади. Зеро, халқимизда "бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она" деган нақл бежизга айтилмаган. Шундай бўлса-да, бугун фуқаролик судларида болалар тарбияси билан боғлиқ низоларнинг кўпайиб бораётгани кўзга ташланмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, ФХДЁ органлари томонидан 2018 йил давомида 32,3 мингта, 2017 йил давомида жами 31 930 та никоҳдан ажратилганлик ҳақида далолатнома ёзувлари қайд этилган бўлиб, шундан суд қарорига асосан 23 919 таси ва ФХДЁ органлари томонидан 8 011 таси қайд этилган. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан жами 2 609 тага ёки 8,1 фоизга, шундан суд қарори асосида 1 988 тага (6,2 %) ва ФХДЁ органлари томонидан 621 тага (1,9 %) кўпайиған.<sup>3</sup> Мазкур ҳолатлар фуқаролик судларида ушбу турдаги низоларни кўришнинг назарий ва ташкилий асосларини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низолар деганда, боланинг алоҳида-алоҳида яшаётган ота-онадан қайси бири билан бирга яشاши, боласидан алоҳида турадиган ота ёки она ни боласининг тарбиясида иштирок этишга қаршиликни бартараф этиш, бошқа шахсларнинг тарбиясида бўлган болаларни ота-онасига қайтариш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ва ота-оналик ҳуқуқини тиклаш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этмасдан болаларни олиш (ота-оналик ҳуқуқини сақлаш), боланинг ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она билан кўришиши, ота-оналик ҳуқуқи чекланишини бекор қилиш, фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишлар назарда тутилади.

Ота-оналар боладан алоҳида яшаган тақдирда, боланинг тарбияси ва унинг таъминоти масалалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Амалдаги Оила кодекси оилани мустаҳкамлаш ва вояга етмаган болалар манфаатларини муҳофаза қилишнинг устуворлиги тамойилини назарда тутади ва болаларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенглигини белгилаб беради.<sup>4</sup>

Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни судда кўришнинг процессуал хусусиятларини таҳлил этиш ушбу турдаги муносабатларнинг ҳуқуқий табиатини очиб беради. Ушбу муносабатлар мазмунига кўра, болалар тарбияси билан боғлиқ эканлиги, ота-онанинг никоҳда эканлигидан қатъи назар вужудга келиши ҳамда ота ва оналар, ота (она) ва фарзандликка олганлар, ота (она) ва васий, ҳомийлар, ота (она) ва болани қарамоғида асрраганлар, шунингдек, болани тарбиялаш ваколати берилган тарбия, даволаш ва бошқа муассасалар ўртасида келиб чиқиши билан характерланади.

Бундан ташқари ушбу низолар бўйича даъво муддатларининг белгиланмаслиги, низолар судгача (маъмурий тартибда) вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, васийлик ва ҳомийлик, ФХДЁ органлари томонидан, шунингдек, тарбия, ахолини ижтимоий ҳимоялаш ва бошқа муассасаларда ҳамда судда ҳал қилиниши мумкинлиги ҳам унинг ўзига хос хусусиятларидан бири саналади.<sup>5</sup>

Таъкидлаш керакки, Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарорига (кейинги ўринларда Пленум қарори деб юритилади) мувофиқ суд бошқа-бошқа турадиган ота-оналар ўртасида бўлган уларнинг қайси бири билан қайси боласи яшаш учун қолиши тўғрисидаги низоларни ҳал этишда Оила кодексининг 71-моддасида белгиланган ота ва онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглигига асосланган ҳолда, вояга етмаган болаларнинг манфаатлари ва хоҳишлирага мос келадиган ҳал қилув қарори чиқариши лозим.<sup>6</sup> Аммо суд иш юритувида турли хил қонунни қўллаш амалиётининг мавжудлиги суд қарорларининг адолатлилигини таъминлашга жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Мавзуни атрофлича ўрганиш мақсадида амалиётдан олинган бир мисолга эътибор қаратсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Фуқаро А.Алимова К.Алимова (қизи – ундирувчи)нинг қонуний манфаатларини\* кўзлаб, Бош Прокуратура хузуридаги Маж-

**бурий ижро бюросининг ҳудудий бўлими ва вилоят прокуратурасига алимент ундириш ҳақидағи ижро ҳужжати ижросини таъминлаб беришни сўраб мурожаат (кейинги ўринларда – ариза) қилган.**

Аниқланишича, Т.Турсунов К.Алимова билан 2006 йилда турмуш қурган ва 2008 йилда оиласи келишмовчилик сабабли ажрашишган. Биргаликдаги никоҳидан 2007 йил туғилган Н.Т.Турсунова исмли бир нафар фарзанди бор.

Ўтган давр мобайнида Т.Турсунов фарзандининг моддий таъминоти ва алименти учун ҳеч қандай пул маблағларини ажратмаган, бирор марта қизининг ҳолидан хабар олмаган, унинг тарбиясида иштирок этмаган ва таълим олиши учун ғамхўрлик кўрсатмаган. Бошқа аёлга уйланиш мақсадида К.Алимова ва қизи Н.Турсуновани чақалоқлик вақтида уй-жойга киритмай, она-боланинг кўчада қолишига сабаб бўлган.

Вояга етмаган бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириб беришни сўраб берилган бир неча мурожаатлар натижা бермагач, К.Алимова моддий аҳволини яхшилаш мақсадида Туркия Республикасида ишлаш учун кетишига мажбур бўлади. Шу тариқа вояга етмаган фарзандини онаси А.Алимова васийлигига қолдиради (2015 й.).

Ариза ижросини таъминлаш мақсадида, давлат ижроиси қарздор Т.Турсуновни ҳудудий мажбурий ижро бўлимига чакириради ва ундан алимент тўлашини талаб қилади. Дастреб қарздор алимент тўлаш учун пул олиб келишини айтиб, уердан чиқиб кетади, аммо адвокат маслаҳатидан кейин фикридан қайтади.

Энди қарздор жавобгарлик ва жазодан қочиш мақсадида ҳамда ундирувчининг мамлакат ҳудудида эмаслигидан фойдаланиб, Оила кодексининг 73-моддасига асосан қизини ўз тарбиясига олиш бўйича судга даъво аризасини киритади. Шу тариқа қонунни "айланиб ўтиб" давлат ижроисининг талабини бажаришдан боштортади.

Юқоридаги ҳолат бўйича отанинг ўз фарзандини бошқа шахслар тарбиясидан олишида уларга нисбатан устунлик ҳуқуқидан<sup>7</sup> фойдаланиши суд амалиётида болани олиб қўйиш учун асос си-

фатида баҳоланиши мумкин. Ваҳоланки, суд жараёнида фарзанд тарбияси ва моддий таъминотида ота (она)нинг иштирок этганлигини тасдиқловчи ҳолатлар (маскировка қилинганини сабабли) деярли аниқлаштирилмайди.

Албатта, судлар ишни кўришга тайёрлашда тарафлар тақдим этган ҳужжатларга асосан қарор қабул қиласи. Аммо ушбу норма ҳақиқатни аниқлаш учун етарли эмаслигини ҳисоб олиб, қонун чиқарувчи судьянинг ички ишончига оид нормани процессуал қонунда мустаҳкамлаб қўйган. Шунга кўра, мазкур ишларни судда кўришда ҳар бир ҳолат алоҳида таҳлил этилиши зарур.

**Фарзанд тарбиясида иштирок этмаган шахсни жазо ва жавобгарликдан қочиш мақсадида қонунни "айланиб ўтиши", аслида адолат нуқтаи назаридан қонун бузилиши ҳисобланмайдими?**

Суднинг бу қарори болага туғилганидан бошлаб ғамхўрлик қилган иккинчи тарафда аламзадалик ҳолатини юзага келтиради. Қолаверса, бу бола манфатлари учун ҳам зид.

Қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича Олий суд Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган бошқа органлар, корхоналар, мусассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.<sup>8</sup> Шу боисдан қонунни қўллаш соҳасида судлар томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш, қонунни тўғри қўллаш ҳамда суд қарорлари қонунийлиги, асосли ва адолатлигини таъминлаш мақсадида Олий суд Пленуми қарорлар қабул қиласи.

Пленум қарори билан ушбу туркум ишларни кўриш бўйича судларга зарур тушунтиришлар берилган бўлса-да, аммо жойларда қонун нормаларини қўллаш амалиёти ҳамон турлича бўлиб қолмоқда. Мазкур ҳолатларга қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда.

Пленум қарорида асосий эътибор оила ва бола манфаатларини муҳофаза этишга қаратилган. Жумладан, судлар томонидан ҳал қилув қарорини чиқаришда боланинг манфаатлари ҳисобга олиниши

қарорнинг 3, 5-банди 2-хатбоиси, 6, 7-банди 5-, 6-, 7- ва 10-хатбоилари, 8, 9-банди 2-хатбоиси, 14, 15-банди 6-хатбоиси, 16, 20, 21-банди 4-хатбоиси, 22-банди 3, 10-хатбоилари ва 29-банднинг 1-хатбоисида белгилаб қўйилган. Аммо мазкур қарорнинг 3-банди иккичи хатбоисида эса, суд 10 ёшга тўлган боланинг ота-онасининг қайси бири билан яшаш истаги борлигини ҳам эътиборга олиши мумкин деб қайд этилган.

Фикримизча, мазкур хатбоидаги "мумкин" ибораси (сўзи) қарорда "эҳтимоллик" маъносида келиб, ушбу турдаги ишларни судда кўришда турлича амалиётни шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари хатбоида бола ота-онасининг қайси бири билан яшаш истаги борлигини эътиборга олиши учун **ёш цензи – 10 ёш** этиб қатъий белгиланган. Мазкур норма Оила кодексининг умумий қоидаларига нисбатан белгилangan бўлса-да, аммо бу муайян тадқиқотлар натижаси эмас. Шунингдек, ёш цензининг белгиланишини судлар томонидан боланинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини эътиборга олмаслик учун яна бир асос сифатида баҳолаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ушбу нор-

мадан "7 ёки 9 яшар боланинг манфатларини судлар эътиборга олмаслиги мумкин" деган қонунга зид қоида келиб чиқиши эҳтимоли йўқ эмас. Бу ҳолат қонунни икки хил қўллаш амалиёти шаклланишига сабаб бўлади. Шунга кўра, бу турдаги низоларни кўришда ёш цензининг белгиланиши суд қарорларининг холислиги ва адолатлилигини таъминлашда акс таъсир этмоқда.

Боланинг ўз фикрини эркин ифода этиш қобилияти унинг психологик ривожланиши ҳолатига боғлиқ. Шахснинг психологик ривожланиши онг ва онгости фаолияти натижаси бўлиб, у ички ва ташқи таъсирлар натижасида шаклланади. Шу сабабли ҳар бир шахснинг ақлий ривожланиш даражаси унинг индивидуал хусусиятидан келиб чиқиб белгиланиши лозим.

Боланинг индивидуаллиги деганда, шахснинг тақрорланмас, ўзига хос хусусияти назарда тутилади. Мазкур категория шахснинг психологик хусусиятига оид бўлиб, у муайян инсоннинг фикрлаш, хистайғулари, иродаси, талаблари, мотиви, сезиш даражаси, интеллекти, мойиллиги, қобилияти ва феъл-авторидаги бошқа хусусиятларидаги ўзига хосликни белгилайди.<sup>9</sup>



Бундан ташқари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола хуқуқлари тўғриси-даги конвенциясида иштирокчи-давлатлар зиммасига **боланинг индивидуал-лигини**, шу жумладан, фуқаролиги, исми ва оиласвий алоқаларини саклаб қолиш хуқуқи хурмат қилиниши ҳамда қонунга зид равишда аралашувга йўл қўймаслиги юзасидан мажбурият юклатилган.

Агар бола ўз индивидуаллигининг бир ёки барча элементларидан қонунга хилоф равишда айрилган бўлса, иштирокчи-давлатлар унинг индивидуаллигини тезроқ тиклаш учун зарур ёрдам ва ҳимоя қилинишини таъминлашлари шарт.

Конвенция боланинг индивидуаллик хуқуқи муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида, ёш цензини белгиламаган. Аммо миллий қонунчиликда мазкур ма-сала эътибордан четда қолган.

Амалдаги тартибга кўра, агар миллий қонунчилик нормаларида ҳалқаро хуқуқнинг умумеътироф этилган нормаларидан бошқача қоида назарда тутилган бўлса, ҳалқаро хуқуқ нормаларининг устунлиги тан олинади.<sup>10</sup>

Юқоридагиларга асосан, Пленум қарорининг 3-банд 2-хатбоисини қўйидаги тарзда қайта таҳrir этиш мақсадга мувофиқ:

**"Суд боланинг ўз фикрини эркин ифода эта олиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда ундан ота-онасининг қайси бири билан яшаш истаги бор-лигини аниқлаши шарт".**

Шунингдек, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунга кўра, Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро буроси (кейинги ўринларда МИБ деб юритилади) суд ҳужжатларини ижросини таъминловчи асосий орган ҳисобланади.<sup>12</sup> Шу билан бирга, "Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида"ги қонунга (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) мувофиқ мазкур орган тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органлардан бири саналади.

Ижро амалиётида қарздорни қидириш ва унинг мол-мulkини аниқлаш ёки болани қидириш мақсадида тезкор-қидирав фаолияти амалга оширилиши мумкин. Тезкор-қидирав фаолиятини амалга оши-

риш тартиби қонун ҳужжатларига муво-фиқ белгиланади.

Амалдаги тартибга мувофиқ алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари дарҳол ижро этилиши лозим<sup>13</sup> бўлган ишлар тоифасига киради. Унинг ўз вақтида ижросини таъминламаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликни келтириб чиқаради.<sup>14</sup>

Юқоридаги ҳолат бўйича қарздор саккиз йил давомида алимент тўламаган бўлса-да, унга нисбатан ҳеч қандай жавобгарлик масаласи ҳал этилмаган. Ватхоланки, бу юзасидан суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиб, ижро иш юритуви қўзғатилган. Албатта, ижро амалиётида бу каби ҳолатлар тез-тез учраб туради.

Фикримизча, ҳар қандай қонунбузилиши аксарият ҳолларда қонун ёки қонуности актларидаги бўшлиқлар сабаб юзага келади. Шу боисдан, аввало, амалдаги қонунчилик нормаларини таҳлил қилиб, ундаги бўшлиқларни топиш, уни амалиёт билан боғлаш, сўнгра аниқ бир холосага келиш мақсадга мувофиқдир.

Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлашдан кўзланган мақсад — тарафларнинг важларини асослаш, ҳолат юзасидан ҳақиқатни аниқлаш ҳамда адолатни қарор топтиришдан иборатдир. Аммо амалдаги тартибининг қабул қилинган ёки ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган қонун ҳужжатларига мослаштирилмаганилиги ҳақиқатни аниқлашда турли муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Фикримизни асослаш мақсадида қўйидаги мисолга эътибор қаратсак.

Одатда, болани тарбиялаш учун она (ота)дан ота (она)га олиб бериш тўғрисидаги низоларни ҳал этишда судга қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- болани тарбиялаш учун олиб бериш тўғрисидаги даъво аризаси;
- боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
- ҳалқ таълими бўлими томонидан тасдиқланган васийлик ва ҳомийлик органининг ота-оналарнинг яшаш шароитлари ҳақида тузган далолатномаси;
- ота-онанинг хулқ-атворини, уларнинг болаларга бўлган муносабатларини тавсифловчи далиллар (суд қарорлари ва иш жойидан тавсифнома);

- давлат божи тўланганлиги ҳақидаги чипта.<sup>15</sup>

Агар тарафларнинг никоҳи бекор қилинмаган бўлса, даъво аризасига никоҳни қайд этиш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ҳам илова қилинади.

Мазкур тартиб тарафларнинг важлари ни асослаш учун етарли бўлса-да, аммо иш юзасидан ҳақиқатни аниқлашга озлик қилади. Шунингдек, суд қарори ижросининг аслида қандай сабабларга кўра, таъминланмаганлигини фақат ижрони таъминловчи органгина билиши мумкин. Шунга кўра, юқоридаги ҳолат бўйича ҳақиқатни аниқлаш жараёнида МИБ ҳам бевосита иштирок этиши шарт.

Бундан ташқари қонунга мувофиқ инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этиш ҳамда жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларни қидириш тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.<sup>16</sup> Шу боисдан мазкур орган иш юритвида бўлган ижро ҳужжати бўйича судда ҳақиқатни аниқлаш жараёнида иштирок этмаслиги қонунга зид.

**Юқоридагиларга асосан, ушбу турдаги ишларни судда кўришга тайёрлашда МИБ томонидан қарздорнинг ижтимоий аҳволи тўғрисида маълумот бериш амалиётини жорий этиш максадга мувофиқ.**

Мазкур ҳолат ушбу турдаги ишлар кўрилишида ҳақиқатни аниқлашга кўмак

бериб, чиқарилаётган суд қарорларининг қонунийлиги, адолатлилиги ва холислигini таъминлашга хизмат қиласди.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлашнинг амалдаги тартиби қарийб йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида халқимизга хизмат қилиб келмоқда. Аммо ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши ҳамда соҳада амалга оширилган ислоҳотлар талабидан келиб чиқиб, ушбу тартибини янада такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Юқоридагиларга асосан, болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал этишда ҳуқуқни кўллаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида, қуидагиларни:

**Биринчидан**, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларини ҳисобга олган ҳолда Пленум қарорининг тегишли бандларига ўзгартишлар киритиш;

**иккинчидан**, ушбу турдаги ишларни судда кўришга тайёрлашнинг амалдаги тартибига тегишли қўшимчалар киритиш;

**учинчидан**, ҳолат юзасидан чиқарилаётган суд қарорлари қонунийлиги, холислиги ва адолатлилигини таъминлаш мақсадида, амалдаги қонун ҳужжатларида МИБнинг судларда иштирок этиш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқdir.

Ушбу қоидаларнинг ўрнатилиши бу турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда бола ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг чинакам химоясини таъминлашга хизмат қиласди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиши йили"да амалга оширишга оид давлат дастури. 4.2-банди.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 63-64-модда. <http://www.lex.uz/acts/20596>

<sup>3</sup> Ҳ.С. Насимов, Г.М. Мамаримова. Никоҳ: миллий ва хорижий тажриба. Ахборот-тахлилий материал. - Тошкент, ТДЮУ нашрёти, 2019 йил. - 9 бет.

<sup>4</sup> [https://www.norma.uz/uz/bizning\\_sharhlar/sud\\_himoyasi\\_aliment\\_undirish](https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/sud_himoyasi_aliment_undirish)

<sup>5</sup> З.Н.Эсанова. Бола тарбияси билан боғлиқ низолар. Ҳуқуқ ва бурч. <http://huquqburch.uz/uz/article/474/>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни кўллаш амалиёти тўғрисида"ги 23-сон қарори.

<sup>7</sup> Бунда фуқаро Алимова А.нинг қизи фуқаро Турсунова Н.Т.га алимент ундириш мақсадида ариза берилган.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. 1998 йил 30 апрель. 73-модда.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонуни. Янги таҳрир. Т.: 2000 й. 21-модда.

<sup>10</sup> <http://ponjatija.ru/taxonomy/term/159>

<sup>11</sup> Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-сон қарори билан қабул қилинган. 8-модда. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-XII-сонли "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга кўшилиш ҳақида"ги Қарорига мувофиқ кўшилган. Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 29 июлдан кучга кирди

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил, 8 декабрь. Муқаддима. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. 1998 йил 30 апрель. 9-модда.

<sup>13</sup> Ўша жойда. 30-модда.

<sup>14</sup> Ўша жойда. 71-модда.

<sup>15</sup> Б.Жамолов, А.Бобокулов. Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш. Амалий кўлланма. - Т.: Адолат нашриёти. 2005 й. 147 Б.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикасининг Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги Қонуни. 2012 й. 4-модда.

# Үндирувни солиқ тўловчининг мол-мўлкига қаратиш тўғрисидаги ишларга таалуқли масалалар

*Мамлакатимизда ўтган давр мобайнига барча соҳаларда, шу жумладан, суд-хуқуқ тизимида ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсағ — фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ишончли ҳимоя қилишдан иборатдир. Бу борода мoggий ва процессуал қонунчиликка суд тизими тузилмасини тубдан тақомиллаштириш, суд ҳокимияти органлари томонидан ишларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш, қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш, шунингдек, ушбу қарорларни қайта текшириш институтларини тақомиллаштиришга оиг тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.*

**Ирода САЛИМОВА,  
ТДЮУ докторантি**

Бундан ташқари низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари ва соддалаштирилган тартибини жорий этиш орқали суд ва бошқа органлар томонидан ишларни кўриш янада оптималлаштирилди. Жумладан, 1997 йил 30 августда қабул қилинган Хўжалик процессуал кодексида ишларни соддалаштирилган тартибда кўришнинг бир тури сифатида илк бор суд бўйруғи асосида қарзни үндириш тартиби белгиланган бўлса, кейинчалик Фуқаролик процессуал кодексига 2003 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун

билан "Буйруқ тартибида иш юритиш" номли 201-боб киритилди. Яъни нафақат хўжалик судларида, балки фуқаролик судларида ҳам низосиз талаблар бўйича қарзни үндиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Ислоҳотларнинг кейинги даврида, яъни 2006 йил 16 октябрда "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, 2007 йил 1 январдан мамлакатимизда ҳакамлик судлари ўз фаолиятини бошлади. Ҳакамлик судларининг фуқаролик-хуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи иқтисодий низоларни

ҳал этувчи нодавлат орган сифатида ташкил этилиши — судларнинг иш юкламалари-нинг камайишига, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари қисқа муддатларда, арzon ва сифатли ҳимоя қилинишига хизмат қилди.

Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Мазкур Фармон билан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркин-



ликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Шунингдек, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Президент Фармони билан 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди ва иккинчи асосий устувор йўналишлардан бири сифатида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш белгиланди. Ушбу устувор йўналиш доирасида судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш, хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларини ташкил этиш, фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш, низоларни медиация орқали ҳал этишнинг хукуқий асосларини такомиллаштириш каби бир қатор вазифалар белгиланди.

Ушбу Фармон ижроси юзасидан Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга асосан, 2017 йил 1 июндан мамлакатимиз суд тизимида бир қатор муҳим ташкилий ўзгаришлар амалга оширил-

ди. Жумладан, Олий суд ва Олий хўжалик судини бирлаштириш, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуби соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди; оммавий-хукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ваколатли бўлган Корақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари; ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишига ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди.

Амалга оширилган ушбу суд-хукуқ ислоҳотлари суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судларда иш юкламалари сонини камайтириш, судлар томонидан ишларни кўришни янада оптималлаштириш орқали фуқаролар ва юридик шахсларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган. Бироқ мамлакатимизда тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитининг яратилиши, хорижий инвестициялар иштироқида янги лойиҳаларнинг жорий қилиниши билан бирга бу борада иқтисодий судлар томонидан иқтисодий низоларнинг кўриб чиқилиши ортиб бормоқда. Жумладан, Олий суд расмий маълумотига асосан, 2018 йилнинг тўққиз ойи мобайнинда иқтисодий судлар томонидан жами 323 983 та иш кўриб чиқилиб, ҳал этилган. Даъвогарлар фойдасига 8,8

триллион сўм ундириш ҳақида суд қарорлари қабул қилинган. Умумий ҳисобда кўрилган ишлар сони 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 24,1 фоизга ошганлиги қайд этилган.

Тошкент вилояти судлари томонидан ўтказилган расмий брифингда қайд этилишича, контрактация шартномасидан келиб чиқсан низолар 9,9 фоизга, пурдат шартномаси билан боғлиқ низолар 27,3 фоизга, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича низолар эса, 27 фоизга камайган. Бироқ солиқ қарзи бўйича ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги низолар 23,9 фоизга, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари билан боғлиқ низолар 15,1 фоизга, кредит шартномаси бўйича низолар 8 фоизга кўпайган [1].

Кўриб турганимиздек, иқтисодий низоларни ҳал этишнинг муқобил усууллари, соддалаштирилган тартиби жорий қилиниши, шунингдек, суд тизимида маъмурий судлар ва туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил қилинишига қарамасдан иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқиладиган иқтисодий ишлар кўрсаткичи юқори, қолаверса, ушбу кўрсаткич ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келаётган янги шартномавий-хукуқий муносабатлар негизида тобора ўсиб бормоқда. Бу ўз навбатида, иқтисодий низоларнинг тааллуқлилигига оид моддий ва процессуал нормаларни, суд амалиёти материалларини таҳлил қилиш ва бу борада хорижий давлатлар қонунчилгини ўрганиш орқали қо-

нунчилликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш заруратини келтириб чиқаради.

Тааллуқлилик институти назарий ва амалий жиҳатдан кенг ва тор маънода тушунилади. Кенг маънода тааллуқлилик деганда, низоларни кўриб чиқиш муайян давлат бошқаруви органи ёки суд ёхуд бошқа ваколатли органнинг ваколатига тегишли эканлиги тушунилади. Тор маънода эса, тааллуқлилик бевосита суд ҳокимияти тизимида ишларнинг у ёки бутурдаги судлар ваколатига берилганлигини англаради [2]. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ишлар бевосита судлар ваколатига тааллуқлидир.

2005 йил 12 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 62-моддасига асосан, ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларидан бири ҳисбланади ва ушбу кодекснинг 65-моддасига мувофиқ давлат солиқ хизмати органнинг даъво аризаси асосида суд тартибида амалга оширилиши белгиланган. Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш солиқ тўловчи жисмоний шахс бўлган тақдирда, фуқаролик ишлари бўйича судлар, якка тартиbdаги тадбиркор ёки юридик шахс бўлганда эса, иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқлади.

Юқорида қайд этилганидек, Солиқ кодексининг 65-моддасига асосан, ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш давлат со-

лиқ хизмати органининг даъво аризаси асосида суд тартибида амалга оширилиши нинг белгиланганлиги, ушбу ишларни даъво тартибида юритиладиган ишлар тоифасига киритиш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Бироқ амалдаги иқтисодий процессуал қонунчиликка мувофиқ, ушбу талаблар нафакат даъво тартибида, балки буйруқ тартибида ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Жумладан, 2018 йил 24 январда янги таҳрирда қабул қилинган Иқтисодий процессуал кодексининг 135-моддасига асосан, солиқ қарзини ундиришни юридик шахслар ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги талаб буйруқ тартибида кўриб чиқладиган ишлар тоифасига киритилган. Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ишларнинг даъво ёки буйруқ тартибида кўриб чиқилишини белгилашда ушбу талабларнинг низоли ёки низосиз (тан олинган) эканлигига эътибор қаратиш лозим. Агар низосиз, яъни давлат солиқ хизмати органи томонидан тан олинган солиқ қарзи бўйича ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса, ушбу талаблар буйруқ тартибида, аксинча, низоли (тан олинмаган) солиқ қарзи бўйича ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш арз қилинган бўлса, даъво тартибида кўриб чиқлади.

Бироқ қайд этиш жоизки, айрим хорижий давлатларда тан олинган солиқ қарзи бўйича ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратишнинг судсиз тартиби

жорий қилинган. Бунда солиқ органларининг ваколати кенгайтирилган бўлиб, суд ижрочилари томонидан солиқ органнинг қарори асосида ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш амалга оширилади. Ўз навбатида, солиқ органнинг қарори устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш мумкинилиги белгиланган. Жумладан, АҚШ (АҚШ Солиқ кодекси), Швеция (Швеция қироллиги Солиқ кодекси), Швецария, Хитой ("Солиқ қарзини ундиришни бошқариш тўғрисида"ги, "Маъмурӣ ундириш тўғрисида"ги қонунлари), Россия (РФ Солиқ кодекси), Беларус (БР Солиқ кодекси), Қозогистон (ҚР Солиқ кодекси), Озарбайжон (ОР Солиқ кодекси) давлатларининг солиқ қонунчилиги билан солиқ органларига солиқ қарзини ундириш бўйича мажбурий чораларни қўллашда кенг ваколатлар берилганини кўриш мумкин.

АҚШ солиқ қонунчилиги[3] бўйича солиқ органлари солиқ қарзини ундириш бўйича мажбурий чораларни кўришда кенг ваколатлар берилган. Жумладан, солиқ органлари солиқ қарзи бўйича ундирувни солиқ тўловчининг исталган мол-мулкига қаратиши мумкин. Қолаверса, солиқ инспекторларига юридик шахснинг солиқ қарзи бўйича ундирувларни ташкилот раҳбарларининг (ташкилот директори, топ менеджерлари) шахсий мулкига қаратиш ҳуқуқи берилганилиги, солиқ қарзларининг ташкилот ҳисобидан ўз вақтида тўланишини таъминлайди.

Хитой Халқ Республикасининг 1992 йил 4 сентябрда

қабул қилинган "Соликлар йигимини бошқариш тўғрисида"ги қонуни [4] 40-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқариш ёки бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи солик тўловчи солик қарзини ўз вақтида тўламаган тақдирда, солик органлари солик бошқармаси (бюро ёки бўлинма) бошлигининг рухсати билан солик тўловчининг товар ва бошқа мол-мулкини рўйхатга олиш, хатлаш, сотиш ёки уни реализация қилиш учун аукционга кўйиш хукуқига эга.

Россия Федерациясининг солик қонунчилигига [5] мувофиқ, солик тўловчининг мол-мулки ҳисобидан соликлар, йигимлар, суғурта бадаллари, шунингдек, пенья ва жарималар ундирилиши мумкин. Ундирувни солик тўловчининг мол-мулкига қаратиш солик органининг қарори асосида амалга оширилади. Россия Федерацииси Солик кодексининг 47-моддасида ундирувни солик тўловчининг мол-мулкига қаратиш тартиби, солик органининг ундирувни солик тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги қарори мазмуни мустаҳкамланган.

Озарбайжон Республикаси Солик кодексининг [6] 89-моддасига асосан, агар солик тўловчи белгиланган муддат ичida солик қарзини, пенья ва жарималарни тўламаса, назорат қилувчи орган солик тўловчидан мол-мулк тўғрисидаги ахборотни назорат қилувчи органга тақдим этишини талаб қилиши, ушбу талаб бажарилмаган тақдирда солик тўловчининг мол-мулкини рўйхатга олишга ваколатлилиги белгиланган. Кодекснинг 90-моддасига

асосан, солик тўловчи мол-мулк рўйхатга олинганидан кейин 30 кун ичida солик мажбуриятини бажармаса, солик органи рўйхатга олинган мол-мулк ҳисобидан солик мажбуриятини етарли миқдорда бажарилишини таъминлаш учун ушбу мол-мулки маҳсус очик аукционда реализация қилинишини сўраб, судга мурожаат қилиши мустаҳкамланган.

Қозогистон Республикаси солик қонунчилигига [7] мувофиқ, солик органларига солик тўловчининг тассаррудаги чекланган мол-мулк ҳисобидан қарзни бюджетга ундириш ваколати берилган. Ундирувни солик тўловчининг тасарруфидаги чекланган мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги қарор ваколатли орган томонидан тасдиқланган шаклда икки нусхада тузилади. Ундирувни солик тўловчининг тасарруфидаги чекланган мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги қарор нусхаси ва мол-мулкини рўйхатга олиш тўғрисидаги далолатнома илова қилинган ҳолда ваколатли юридик шахсга юборилади (КР СКнинг 124-моддаси).

Беларус Республикасининг Солик кодексининг[8] 65-моддасига мувофиқ, солик тўловчининг мол-мулки ҳисобидан нафақат солик қарзини, балки йигим, бож ва пеньяларни ҳам ундириш мумкин. Бироқ солик органлари тўғридан-тўғри солик қарзи бўйича ундирувни солик тўловчининг мол-мулкига қаратиш ваколатига эга эмас. Бунинг учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли ваколатли органларга мурожаат қилишлари талаб этилади. Агар

тўловчи фуқаро, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркор бўлса, солик қарзини мол-мулк ҳисобидан ундириш нотариуснинг ижро хати, агар тўловчи юридик шахс, гар渥га қўювчи ёки кафил бўлган тақдирда, суднинг қарори билан солик органининг берган аризаси асосида амалга оширилади. Шунингдек, солик органлари нотариус ёки судга мурожаат қилишдан олдин тўловчининг мол-мулкини хатлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкинлиги белгиланган.

Иқтисодий судларда иш юкламаларининг ҳажми юқори эканлигини, солик қарзи бўйича ундирувни солик тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги низоларни кўриш ҳам йилдан йилга ошиб бораётгани, шунингдек, ушбу талабларнинг даъво тартибида ҳам, буйруқ тартибида ҳам кўриб чиқилаётганини ҳисобга олган ҳолда тан олинган (низосиз) солик қарзи бўйича ундирувни солик тўловчининг мол-мулкига қаратишни давлат солик хизмати органлари ваколатига ўтказилиши муносабати билан:

биринчидан, 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Давлат солик хизмати тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасида давлат солик хизмати органлари хукуқларидан бири сифатида қонун хужжатларида белгиланган тартибда "солик қарзини унди-

риш бўйича мажбурий чоралар кўриш ваколатини" белгилаш;

Иккинчидан, Солиқ кодексига тан олинган солиқ қарзи бўйича ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш давлат солиқ хизмати органининг қарори асосида амалга оширилиши тартибини назарда тутувчи қуйидаги мазмундаги 651-модданни киритиш:

"Солиқ тўловчи томонидан ушбу кодекснинг 61-моддасида белгиланган солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани бажариш муддатларига риоя қилинмаган тақдирда, тан олинган солиқ қарзи бўйича ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш давлат солиқ хизмати органининг қарори асосида амалга оширилади.

Қарор солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани бажариш муддати ўтганидан сўнг бир йил ичида қабул қилиниши лозим. Ушбу муддат ўтганидан сўнг қабул қилинган қарор ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва ижро этилмайди. Ушбу ҳолатда солиқ қарзини ундириш давлат солиқ хизмати органининг даъво аризаси асосида суд тартибида амалга оширилади. Солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ариза солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани бажариш муддати ўтганидан сўнг икки йил ичида берилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра, аризани бериш муддати ўтказиб юборилган тақдирда, ушбу муддат суд тартибида тикланиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органининг тан олинган солиқ қарзи бўйича ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулки-

га қаратиш тўғрисидаги қарорида қўйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

1) қарорни қабул қилган мансабдор шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва давлат солиқ хизмати органининг номи;

2) қарор қабул қилинган сана ва рақам;

3) якка тартибдаги тадбиркорнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили) ёки юридик шахснинг номи, жойлашган ери (почта манзили);

4) солиқ тўловчининг банк реквизитлари ва идентификация рақами;

5) солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабноманинг солиқ тўловчига ёки унинг вақилига унинг олингандилиги фактини ва санасини тасдиқловчи усулда топширилганини тўғрисида маълумот;

6) Ушбу кодекснинг 62 моддаси биринчи қисми иккинчи ва учинчи хатбошларида назарда тутилган солиқ қарзини мажбурий ундириш бўйича кўрилган чоралар;

7) солиқ тўловчининг мол-мулки ҳисобидан ундирилиши лозим бўлган солиқ қарзи суммаси;

8) қарор устидан шикоят қилиш муддати ва тартиби.

Қарор давлат солиқ хизмати органи раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан имзоланади ва гербли муҳр билан тасдиқланиши лозим.

Давлат солиқ хизмати органининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан икки иш кунидан ошмайдиган муддатда қарорнинг нусхаси тилхат олиш орқали ёки солиқ тўловчи томонидан олинган санани тасдиқловчи бошқа усул орқали солиқ

тўловчига топширилади. Агар солиқ тўловчига қарор нусхасини топширишнинг имкони бўлмаса, у почта орқали буюртма хат билан жўнатилади ва жўнатилганидан эътиборан уч кун ўтгач, топширилган ҳисобланади.

Давлат солиқ хизмати органининг тан олинган солиқ қарзи бўйича ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги қарори ижро ҳужжати кучига эга. У бўйича ундирув солиқ тўловчи томонидан қарор нусхаси олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ўтгач, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тартибига мувофиқ амалга оширилади".

Учинчидан, тан олинмаган солиқ қарзи бўйича ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги низолар иқтисодий судлар томонидан даъво ишларини юритиш тартибида кўриб чиққилишини инобатга олган ҳолда, Иқтисодий процессуал кодекснинг 25-моддасига ушбу низоларни иқтисодий судларга таалукли эканлигини назарда тутувчи алоҳида процессуал нормани киритиш.

Тўртинчидан, Иқтисодий процессуал кодекснинг 135-моддасида белгиланган солиқ қарзини ундиришни юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб бўйича суд буйруғи берилишини бекор қилиш.

Бешинчидан, 2001 йил 29 августдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 34-моддасига давлат солиқ хизмати органининг тан олинган солиқ

# «Терроризмга оид жиноятлар»

## түшүнчәси ва үларнинг жиноят-хуқуқий тавсифи

қарзи бўйича ундирувни солик тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи органга ёки маъмурӣ судга шикоят қилинганда ижро иши юритиш тўхтатиб турилиши тўғрисидаги нормани киритиш таклиф этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, тан олинган солик қарзи бўйича ундирувни солик тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ишларни иктисадий судлар ваколатидан солик органлари ваколатига ўтказилиши ушбу тоифадаги ишларнинг кўришни янада оптималлаштиришга, судларда иш юкламалари камайишига, солиқларнинг ўз вақтида ундирилишига ва солик тўловчиларнинг ортиқча сарсонгарчиликлари олди олинишига хизмат қиласиди.

<sup>1</sup> <https://oliysud.uz> - Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий сайти.

<sup>2</sup> Қаранг: Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал хуқуқи. Дарслик. - Т.: "Адабиёт жамғармаси", 2001; Чудиновских К.А. Подведомственность в системе гражданского и арбитражного процессуального права. Юридический центр Пресс. Санкт-Петербург, 2004. С. 168; И.Л. Бурова. Подведомственность дел арбитражным судам: монография / Дальневосточный государственный технический университет. - Владивосток: Изд-во ДВГТУ, 2008. С.109; Мамасидиков М.М. Фуқаролик процессуал хуқуқи. Умумий қисм / Олий ўкув юрти талабалари учун дарслик. Масъул мухаррир ю.ф.д., проф. О.Оқолов. - Тошкент.: ТДЮИ нашриёти. 2010. -Б. 255.

<sup>3</sup> Title 26 - Internal Revenue Code. <http://uscode.house.gov>

<sup>4</sup> Принят на 27-ой сессии Постоянного Комитета Все Китайского Собрания Народных Представителей 7-го созыва, 4 сентября, 1992г. <https://chinalaw.center>

<sup>5</sup> Налоговый кодекс Российской Федерации от 31 июля 1998 года N 146-ФЗ. <http://www.consultant.ru>

<sup>6</sup> Налоговый кодекс Азербайджанской Республики (Утвержден Законом Азербайджанской Республики от 11 июля 2000 г. №- 905-IQ) <http://www.taxes.gov.az>

<sup>7</sup> Кодекс Республики Казахстан от 25 декабря 2017 года № 120-VI "О налогах и других обязательных платежах в бюджет (Налоговый кодекс)" (с изменениями и дополнениями по состоянию на 18.03.2019 г.) <https://online.zakon.kz>

<sup>8</sup> Кодекс Республики Беларусь № 166-З (Утвержден Законом Беларусской Республики от 19 декабря 2002 г. № 166-З. <http://www.pravo.by>

**Терроризм хавфсизликка ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка таҳдид солиб, мамлакатда нотинчликка сабаб бўлувчи, тинч ва осуда ҳаёт тарзини издан чиқарувчи, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этувчи, давлат ва фуқароларнинг мол-мулкига жиҳдий зарар етказувчи ҳамда жамият ва давлат ривожланишини, равнақини ортга сурувчи энг хатарли, оғир ва ижтимоий хавфи юқори бўлган жиноят тури ҳисобланади.**

**Жамшид ИБРОҲИМОВ,**  
мустақил изланувчи

Терроризмга (лот. "terror" — қўрқув, даҳшат) сиёсий мақсадда амалга ошириладиган зўравонлик;<sup>1</sup> қўрқитиш, мажбурлаш ёки чўчитиш воситасида сиёсий мақсадларга эришиш учун куч ишлатиш билан таҳдид солиш ёки уни ишга солиш;<sup>2</sup> сиёсий рақибларни, муҳолифларни йўқотиш ёки қўрқитиш, аҳоли ўртасида ваҳима ва тартибсизликларни келтириб чиқариш мақсадидаги зўравонлик ҳаракатлари (таъқиб қилиш, бузиш, гаровга олиш, қотиллик, портлатиш ва ҳ.к.);<sup>3</sup> зўрлик ва жаҳолат мафкураси; террор билан амалга ошириладиган сиёсий ҳаракат, деб таъриф берилган.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида терроризмга қарши курашнинг зарур хуқуқий асослари яратилган. Улар жумласига, авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Жиноят кодекси, 2000 йил 15 декабрдаги "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги, 2004 йил 26 августдаги "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Амалдаги Жиноят кодексида терроризм соҳасидаги жиноятлар тизими изчил такомиллашиб бормоқда. Бу аввало, ушбу соҳадаги жиноий қилмишлар доираси ва тури тобора кенгайиб, мураккаблашиб бораётганлиги билан изоҳланади. Масалан, 1994 йил, Жиноят кодекси қабул қилинган вақтда унда терроризмга оид фақат битта — 155-модда бўлган бўлса, сўнгги йилларга келиб, мазкур соҳадаги жиноятлар таркиби қуйидагилар қўшилиши эвазига сезиларли даражада кенгайди:

**биринчидан, тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик** учун жавобгарлик 2014 йил 20 январдаги қонунга мувофиқ 155<sup>1</sup>-модда сифатида киритилган.

Ушбу моддага ўтган йиллар давомида икки маротаба — 2015 йил 10 август даги қонун билан озодликни чеклаш тариқасидаги жазо киритилганилиги муносабати билан унинг санкция қисмига ҳам тегишли тузатишлар киритилди. Шунингдек, 2016 йил 25 апрелдаги қонун билан Жиноят кодекси 155<sup>3</sup>-модда ("Терроризмни молиялаштириш") билан тўлдирилганилиги муносабати билан 155<sup>1</sup>-модда диспозиция ҳам ушбу жиноят тўғрисида хабар бермаганлик жиноят деб эътироф этилди.

Жиноят кодексининг 155<sup>1</sup>-моддасида тақиқланган, тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик жинояти Жиноят кодексининг 155, 155<sup>2</sup>, 155<sup>3</sup>, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255<sup>1</sup> ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган, дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамаси материалари билан исботланган, аниқ маълум бўлган тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик хусусиятига эга жиноят тўғрисида хабар қилмаслик орқали амалга оширилади.

Қайд этиш лозимки, тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик жинояти (Жиноят кодексининг 155<sup>1</sup>-моддаси) эса, Жиноят кодексининг 31-моддасида белгиланган жиноятга дахлдорлик институти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бунда шахс аниқ турдаги жиноятларга (Жиноят кодексининг 155, 155<sup>2</sup>, 155<sup>3</sup>, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255<sup>1</sup> ва 264-моддалари) тайёргарлик кўрилаётганлиги, жиноят содир этилаётганлиги ёки жиноят содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда, ҳокимият органларига хабар қилмасликни кўзда тутади. Бунда Жиноят кодексининг 241-моддасида белгиланган жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш жинояти ҳамда Жиноят кодексининг 155<sup>2</sup>-моддасида белгиланган тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик жиноятлари турдош таркибли жиноятлар бўлиб, қилмишни

Жиноят кодексининг 155<sup>2</sup>-моддаси билан квалификация қилиш уни қўшимча равища Жиноят кодексининг 241-моддаси билан ҳам малакалашни истисно қилади. Бунда 155<sup>1</sup>-модданинг киритилиши террорчилик хусусиятига эга бўлган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги ҳамда уларни алоҳида жиноят сифатида белгилаш зарурияти вужудга келиши билан изоҳланади.

**Иккинчидан, террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш** 2014 йил 20 январдаги қонунга мувофиқ 155<sup>2</sup>-модда сифатида киритилган. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўзда тутилган ҳаракат унча оғир бўлмаган ва иккинчи қисмида назарда тутилган қилмиш оғир жиноятлар тоифасига киради.

Ушбу моддага 2016 йил 25 апрелдаги қонун билан қўшимча киритилган. Унга қадар террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш жиноят бўлган бўлса, эндиликда шу мақсадда чиқиш ёки ҳаракатланиш ҳам жиноят деб тан олинди. Тегишинча, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетиш ёхуд Ўзбекистон Республикаси худуди орқали ҳаракатланиш жиноят деб эътироф этилди.

Шунингдек, ушбу модда янги иккинчи қисм билан тўлдирилиб, унда террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун ўқувдан ўтиш ёки террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетиш ёхуд Ўзбекистон Республикаси худуди орқали ҳаракатланиш мақсадида шахсларни ёллаш — саккиз йилдан ўн йилгacha озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланди.

Таъкидлаш лозимки, Жиноят кодексининг 155<sup>2</sup>-моддасида жиноий жавобгарлик назарда тутилган террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш жинояти қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади: шахснинг террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд Жиноят кодексининг 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255<sup>1</sup> ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётган-

лиги ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтиши, шу жумладан, мазкур жиноятларни содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва кўникмаларини эгаллаши, ўқув чоғида қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, заҳарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усулларини ўрганиши, шунингдек, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетиши ёхуд Ўзбекистон Республикаси худуди орқали ҳаракатланиши; террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун ўқувдан ўтиш ёки террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетиши ёхуд Ўзбекистон Республикаси худуди орқали ҳаракатланиш мақсадида шахсларни ёллаш.

**Учинчидан, терроризмни молия-лаштириш** учун жиноий жавобгарлик 2016 йил 25 апрелдаги қонунга муов-фика 155<sup>3</sup>-модда сифатида киритилган. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўзда тутилган ҳаракат оғир ва иккинчи қисмида назарда тутилган қўлмиш ўта оғир жиноятлар тоифасига мансубдир.

Жиноят кодексининг 155<sup>3</sup>-моддасига мувофиқ, терроризмни молиялаштириш қуидаги усулларда амалга оширилади: террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият.

Айни дамда 2000 йил 15 декабрдаги "Терроризмга қарши кураш тұғрисида"-ги қонунга биноан, терроризмни молиялаштириш — террорчилік ташкилотининг

мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланнишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йигишга, бошқа хизматлар кўрсатишига қаратилган фаолият ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, 2016 йил 25 ап-  
релдаги қонун билан Жиноят кодекси  
155<sup>3</sup>-модда билан тўлдирилиши му-  
носабати билан "терроризм" тушунча-  
си ҳам ўзгарди. Эндиликда терроризм  
тушунчасидан "террорчилик таш-  
килотининг мавжуд бўлишини, ишлаб ту-  
ришини, молиялаштирилишини таъмин-  
лаш", "террорчилик ҳаракатларини тай-  
ёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фао-  
лиятига кўмаклашаётган ёки бундай фа-  
олиятда иштирок этაётган шахсларга бе-  
восита ёки билвосита ҳар қандай маб-  
лаф-воситалар ва ресурслар бериш ёки  
йифиш, бошқа хизматлар кўрсатиш"  
бўйича фаолиятлар чиқарилди ҳамда  
ҳозирда улар билан боғлиқ бўлган бар-  
ча ҳаракатлар Жиноят кодекси 155<sup>3</sup>-  
моддаси ("Терроризмни молиялаш-  
тириш") бўйича квалификация қилини-  
ши лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, терроризм жиноягини ижтимоий хавфлилик дара-жасига, қилмишнинг юридик таркибиغا қараб, бир нечта жиноятларга ажратган ҳолда дифференциация қилиш, шубҳа-сиз, ҳар бир жиноятга унинг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб ёндашиш, жиноят учун жавобгарликни янада индивидуаллаштириш ҳамда шу орқали жиноят ҳукуқининг қонунийлик, одиллик принципларини реализация қилиш имконини беради.

<sup>1</sup> [http://worldspol.socio.msu.ru/programmi/Mewdunarodnyj\\_terroriz1.doc](http://worldspol.socio.msu.ru/programmi/Mewdunarodnyj_terroriz1.doc)

<sup>2</sup> Кожушко Е. П. Современный терроризм: анализ основных направлений. - Минск: Харвест, 2000. - 448 с. // <http://festival.1september.ru/articles/516817/>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, -2001. - № 1-2. - 15-м.

# Особенности повышения квалификации сотрудников осуществляющих деятельность в судах и других правоохранительных органах

Происходящее в настоящее время фундаментальное обновление законодательства, повышение роли и значения судебной защиты прав и свобод граждан, связана с одной из основных приоритетных направлений Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах — обеспечения верховенства закона и дальнейшего реформирования судебно-правовой системы.

**С. СЕЛИМАНОВА,**

Начальник кафедры Академии МВД

Республики Узбекистан, доктор юридических наук, доцент

**Ш. ТАДЖИМЕТОВ,**

Самостоятельный соискатель докторантуры факультета послевузовского образования Академии МВД

Республики Узбекистан

Следует отметить, что одной из необходимых условий качественного отправления правосудия в Республике Узбекистан является развитие и эффективное функционирование системы постоянного обновления знаний и компетенции сотрудников, осуществляющих деятельность в судах и других правоохранительных органах. Это условие обусловлено повышенными требованиями к квалификации юриста и уровню его ответственности, готовности осваивать новые подходы к профессиональной деятельности и применять эти знания на практике.

Как отметил Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев "...мы должны усовершенствовать систему подготовки юридических кадров, призванных обладать всесторонними знаниями, высокой квалификацией, отвечающими международным стандартам, преданных своей профессии".<sup>1</sup>

Успешность повышения

квалификации сотрудников, осуществляющих деятельность в судах и других правоохранительных органах непосредственно зависит от степени профессиональной подготовки и деловых качеств его специалистов. Подготовка высококвалифицированных кадров связано с целой системой правовых, организационных и нравственно-психологических критериев. Реализация данных критериев связана с целенаправленной и непрерывной переподготовкой и повышением квалификации сотрудников в целях развития его личности, общего, правового и нравственного мировоззрения. Одним из компонентов надлежащей подготовки сотрудников является надежность его психофизиологических состояний, допускающих участие в сложной, ответственной и многогранной деятельности в судах и правоохранительных органах.

Необходимо согласиться с мнением Н.В. Радутной, которая считает, что "Судья,

— не профессия, а образ жизни, которому должны быть присущи все нормы нравственного поведения, которыми судья руководствуется в профессиональной деятельности". Поэтому сохраняют свое значение мнение о том, что "нравственность — это действующие в обществе социальные нормы, регулирующие поведение людей и их взаимоотношения".<sup>2</sup>

В свое время В.В. Ершов<sup>3</sup> и М.И. Клеандров<sup>4</sup> утверждают о том, что квалификационный экзамен в судьи должен быть организован и проводиться в качестве серьезной проверки его профессиональной пригодности.

Следует отметить, на сегодняшний день, подготовка кандидатов на должности судей, переподготовка, повышение квалификации судей и работников аппарата судов осуществляются на основании Постановления Президента Республики Узбекистан от 6 января 2019 г.<sup>5</sup> Согласно его требований образована Высшая школа судей при Высшем судейском совете Республики Узбекистан основными задачами и направлениями которой определены:

- подготовка высококва-

лифицированных кадров для замещения должности судьи направлена на обучение слушателей навыкам осуществления судебской деятельности и организации работы судов, формирование научно-аналитического и креативного потенциала судебских кадров.

- переподготовка судей, состоящих в резерве на замещение руководящих должностей, направлена на углубление профессиональных знаний и овладение навыками ведения судебного администрирования, а также освоение инновационных форм и методов организации работы и управления с продолжительностью обучения два месяца, с выдачей сертификата;

- повышение квалификации судей и работников аппарата судов направлено на доведение сути и значения нововведений в законодательстве, усовершенствование профессиональных навыков и умений, в том числе по вопросам толкования и применения норм права с продолжительностью обучения не менее двух недель с выдачей сертификата.<sup>6</sup>

Вместе с тем, конкретные виды (переподготовка, повышение квалификации), формы (с отрывом, без отрыва от службы), направления (специализация по сферам деятельности и объемам обучения) и сроки обучения судей и работников аппаратов судов определяются директором Высшей школы.

Статьей 10 Закона Республики Узбекистан "Об образовании" среди видов об-

разования отдельно указана повышение квалификации и переподготовка кадров, которое обеспечивает углубление и обновление профессиональных знаний и навыков.<sup>7</sup>

При этом под переподготовкой судей и работников аппарата судов надо понимать получение ими новых знаний и развитие умений по рассмотрению дел в административных, гражданских, экономических и уголовных судах, формирование специальных навыков направленных на получение дополнительного образования. Таким образом, переподготовка это дополнительное, профессиональное образование для лиц имеющих высшее образование и желающих освоить новую специальность. Таким образом переподготовка судей

может заключаться в том, что судьи одного профиля переквалифицируются на рассмотрение дел иной категории, либо назначаются на руководящие должности в аппарате суда, при которой должностные обязанности предусматривают необходимость овладения знаниями по различным отраслям судебской деятельности. Исходя из этого переподготовка кардинально отличается от получения второго высшего образования, так как курсом переподготовки охватывается конкретный набор дисциплин, которые необходимы для получения новых знаний для осуществления деятельности в выбранной сфере деятельности. Таким образом, переподготовка необходима при изменении профиля

деятельности.

В отличии от переподготовки, повышение квалификации проявляется в обучении персонала суда или иных правоохранительных органов по нововведениям в законодательстве либо с появлением у них новых обязанностей. Цель повышения квалификации состоит в углублении и совершенствовании профессиональных знаний, по рассмотрению и разрешению дел об административных правонарушениях, гражданских или экономических споров, уголовных дел и направлена на приведение существующего уровня знаний в соответствие с постоянно повышающимися требованиями, закрепление новых навыков, росте мастерства по исполнению служебных обязанностей.

Эффективность проведения переподготовки и повышения квалификации судей напрямую зависят от применения современных методов обучения, которые характеризуются стремлением интегрировать в себя различные методы. В литературе<sup>8</sup> к современным методам обучения персонала относят: модульное обучение, видеообучение, дистанционное обучение, case-study, социально-психологический тренинг, обучение действием, обучение в рабочих группах, обучение методом "shadowing", обучение методом "secondment", обучение методом "buddying" и др.

Модульное обучение основано на структурировании содержания обучения в модули — автономные органи-

зационно-методические блоки. В модуле четко определены цели обучения, задачи и уровни изучения материала, определены навыки и умения. Модули имеют разнообразные средства обучения, активизирующие участников обучения. По результатам изучения каждого модуля проводится оценка.

Видеообучение является наглядной и экономичной формой обучения для индивидуального и / или группового обучения. Учебные кино- и видеофильмы могут демонстрироваться как с использованием видео, так и компьютерной техники.

Дистанционное обучение основано на использовании телекоммуникационных технологий для обучения сотрудников на расстоянии. Требует высокой степени самомотивации сотрудника, т.к. на практике сотрудник должен сам организовывать свои занятия.

Тренинг — это метод обучения и развития, обеспечивающий более интенсивное и интерактивное обучение, чем другие методы обучения; ориентирован на получение практических навыков, необходимых в повседневной работе, на обмен опытом между сотрудниками, что позволяет получить результат, обладающий высокой практической ценностью, и экономит время и ресурсы сотрудников и организации в целом. В ходе проживания или моделирования специально заданных ситуаций сотрудники получают возможность развить и закрепить необ-

ходимые навыки, освоить новые модели поведения, изменить отношение к собственному опыту и подходит, ранее применяемым в работе. В тренингах обычно используются разнообразные методы и техники активного обучения: деловые, ролевые и метафорические игры, поведенческое моделирование, разбор конкретных практических ситуаций и групповые дискуссии.

Посттренинговое сопровождение — целый комплекс мероприятий и занятий, с актуализацией тем прошедшего тренинга, который направлен на поддержание, закрепление и усиление тренинговых эффектов.

Метод "action learning" ("обучение действием") — метод обучения и развития, заключающийся в формировании рабочей группы (не более 6 человек) для совместной работы над реальными задачами бизнеса в течение определенного периода. Каждый сотрудник решает поставленную перед ним задачу и получает максимально полное решение, используя командный ресурс.

Метод "обучение в рабочей группе" — метод обучения, используемый для нахождения способов решения производственной задачи. Рабочая группа разрабатывает алгоритм решения в форме этапов достижения результата.

Метод "shadowing" ("бытие тенью") — метод обучения, основанный на постоянном присутствии работника в течение не меньше двух дней рядом с успеш-

ным сотрудником — специалистом/руководителем. Метод позволяет увидеть высокие стандарты новой деятельности и оценить работнику собственную мотивацию и компетенции для ее освоения.

Метод "secondment" ("командирование") — метод развития, основанный на временном перемещении сотрудника на другое место работы на период от 100 часов до одного года с последующим возвращением к своим обязанностям. Метод позволяет получить новые знания и навыки даже в ситуации, где ограничены возможности продвижения сотрудников.

Метод "buddying" ("партнер") — метод развития, заключающийся в закреплении за сотрудником равноправного партнера, постоянно предоставляющего ему объективную и честную обратную связь по результатам выполнения новых и текущих профессиональных задач.

